



HURRIYAT

O'zingizning tili!

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 25-noyabr, 2009-yil • №49 (650) • 1996-yil dekabr dan chiqqan boshlagan • e-mail: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz

ФАРЗАНДАЛАРИМИЗНИНГ БАХТЛИ ЭРТАСИ


Янги миллий таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, янги дарсликлар ва махсус ўқув қўлланмаларини яратиш орқали таълим жараёнининг мазмуни тубдан такомиллаштирилди. Шуниси айниқса, муҳимки ихтисослашган олий ўқув юртида академик лицей ва коллежлар учун замон талабларига жавоб берадиган янги тоифадаги ўқитувчиларни тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди.



3-бет

КЕЛАЖАККА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Ҳозирги кунда республика иқтисодийнинг барча тармоқлари Миллий банк кредитларидан фойдаланмоқда. Лойиҳалар молияланиши натижасида тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг ўсишига эришилди. Коммуникация тизимлари — темир йўл, автотранспорт ва авиация тармоқларини ривожлантириш иқтисодий таркибан янгилаш ишларида катта ўрин тутаяди.



5-бет

МАЪНАВИЯТ АДАБИЁТНИНГ АСОСИДИР

Очилини айтсам, Юртбошимизнинг рисоласини ўқиб, энг аввало, адабиётга дахлдор бир қаламкаш сифатида ўз-ўзинга бироз маҳлиё бўлиб юргангандан хижолатга тушдим. Англидимки, буюк бунёдкорлик ишлари олиб борилаётган ушбу тарихий даврда биз адабларнинг бир чеккада лоқайд туришга ҳаққимиз йўқ.



8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

20 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди. Унга кўра 2009 йилнинг 27 ноябрь куни дам олиш куни деб белгиланиб, Қурбон ҳайити мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонланади.

20 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда мамлакатимизнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, солиқ ва бюджет сиёсатининг йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети параметрлари муҳокама этилди.

20 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Сиёсий партиялар вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган мажлисини Марказий сайлов комиссияси раиси МАбдусаломов бошқарди. Унда Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 26-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига жами 517 номзодни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

24 ноябрь куни пойтахтимиздаги Халқаро савдо марказида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Польша ҳукуматлараро қўйма комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди.

2009 ЙИЛ — ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ



ҚИШЛОҚЛАР ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Бугун чекка қишлоғу овуллар ҳам чирой очаяпти. Айниқса, муҳтарам Президентимиз томонидан эътиборнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дея номланиши, ишлаб чиқилган Давлат дастурида "қишлоқ турмуш даражасини ошириш, қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш", "қишлоқ ҳаётининг савиясини ва маданиятини янги поғонага кўтариш" масалаларига алоҳида эътибор берилаяпти. Буни асарда Навоий вилоятининг биргина Қизилтепа тумани мисолида кўрадиган бўлсак, туман географик қулай ерда жойлашгани учунми ёки ҳудудда одамларнинг тадбиркорлик, фидокорлик хислатлари сабабли, ҳулмас ҳозирда туман миқёсида қишлоқлар чинакамига шаҳарга яқинлашиб бораёпти.

Масалан, "Банғози" қишлоқ фуқаролар йиғини мисолида фикримизни давом эттирсак. Кун сайин гўзал шаҳарча қиёфасига кираётган ҳудудда бугун "Банғози оқшоми" савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси, "Тўра-

Даврон-Ҳожиакбар" фермер хўжалигига қарашли савдо ва сервис хизмати кўрсатиш мажмуаси, тадбиркор Жобир Темировга қарашли "Сарибозор" савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси ва бошқалар қад ростлаган. Улар

ҳудуд аҳолисининг иш билан таъминланишига ҳисса қўшапти. Шунингдек, аҳли улуснинг талабларини қондириш баробарида тикувчилик, сартарошлик, алоҳа хизмати кўрсатиш, интернет-кафе, фотосалон ва мини

маркетлар ҳамда қишки, ёзи тўйхоналар, деҳқон бозори фаолият кўрсатаёпти, кўпчиликнинг эҳтиёжларини қондираётган.

— Ҳудудимизда 8 та маҳалла, 28 та қишлоқ жойлашган, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Толиб Қодиров. — Булардан ташқари "Ванғозиагроэкспорт" МЧЖ фаолият кўрсатиб, мой ва ун ишлаб чиқараёпти. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурига киритилган битта паррандачилик фермаси ташкил этилди.

(Давлат 2-бетда.)

КОНСТИТУЦИЯ — ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА


XX асрнинг 90-йиллари бошларига келиб мамлакатимиз давлатчилиги тарихида туб ўзгаришлар бошланди. 1990 йил 20 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ иккинчи сессиясида "Мустақиллик тўғрисида"ги Декларация қабул қилиниши билан, мунозарасиз, осмонимизда бизга қадрдон бўлган ўша лайлақлар яна пайдо бўлди. Юртдошларимиз қалбда узоқдаги юзюздек миллилаб турган оруз-умидлар уйғонди. Қир-у тоғлар, чўлу хибонлар, воҳа-ю водийлар узра зулматли мустабидлик фонуслари сўниб, улар ўрнида адолат чироқлари аланга олди.

Юртбошимизнинг миллий гуруҳ ва ифтихор, қадрият ва қадрият учун бошлаган улғувор сайёҳаракатлари натижасида 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Ўзбекистон Давлат Мустақиллиги эълон қилинди. Шу муаззам кундан эътиборан Ўзбекистон ўз келажagini ўз белгиланиш ҳуқуқига эга бўлди. Мамлакат учун тараққиёт ва истиқлол, янги ҳаёт куриш, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш йўллари кенг очилди.

Мамлакатимиз Президентини И.Каримов ушбу сессияда сўзлаган нутқида: "Мустақил, Ўзбекистоннинг сиёсати — инсонийлик ва эзгулик қонунарига асосланган ҳамда фуқароларнинг осойишталиги ва миллий мурося сиёсати бўлиб қолади", деб таъкидлаган эди.

Ана шундай эзгу мақсадлар билан мамлакатимиз ҳуқуқий ҳолатида кескин ўзгаришлар бошланди. Давлатимиз раҳбарининг бевосята бошчилигида 1992 йил 8 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — инсонларнинг овоз ва обод яшаш, меҳнат қилиш, илм олиш, фикрлаш, сўзлаш, сайлаш ва сайланиш, никоҳ тузиш, тиббий хизмат турларидан, турар жой дахлсизлигидан, тил ва дин эркинликларидан фойдаланиш ҳуқуқларининг асосий кафилигини олувчи Бош қонун сифатида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини олий даражага кўтарди. Унда давлат ҳам, жамият ҳам, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиши устувор тамойил сифатида белгиланган бўлди.



Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг "Нияманки яхши, фойдали нарса бўлса, инсон учун, унинг фаровонлиги учун бағишланмоғи, хизматида бўлмоғи лозим", деган байтларининг мазмуни ҳам Конституциямизда ўз ифодасини топган.

Конституциямизнинг энг халқчил, энг демократик ва ўта нуфузли Конституция тарихида жажондаги барча илгор ва тараққий топган давлатлар томонидан тан олинмиши, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Битим ва бошқа Конвенцияларга мувофиқ деб эътироф этилиши, унинг янада халқчиллигидан далолат беради. Кези

келганда айтиш жоизки, Асосий Қомусимизга берилган баҳо ҳар биримиздан, Ўзбекистон фуқароси деган юксак номни шараф билан оқлашни тақозо этади. Мазсулият ҳиссини уйғотади. Озод ва обод Ватанимизнинг порлоқ келажаги йўлида қахрамонона меҳнат қилишга чорлайди.

Конституциямизнинг жуда юқори савияда, ислом қонунчилиги ва жаҳон андозалари ҳамда кўп асрлик миллий урф-одатларимиз, ўчмас қадриятларимиз асосида яратилганини, унга дунё эътилолари томонидан тан олинган машҳур фикшуннос, ҳадисшуннос, тузуқшуннос бобоконларимиз Ал Марғиновий, Ат Термизий, Ал Бухорий, Амир Темур, Абдурауф Фитрат ҳамда бошқа алломаларнинг тарихий тажрибалари ва инсонпарварлик голяри чуқур сингдирилганини унинг ҳар бир моддасидан англаш мумкин.

Айрим ҳақиқатларга тўхтайдиган бўлсак, Бош қомусимизнинг 4-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир", деб белгиланган бўлган. Қувонарли томони шундаки, XV асрда буюк бобомиз, мутафаккир, шир Алишер Навоий томонидан ўзбек тилининг юксак имкониятлари исботлаб берилган бўлса, XX асрнинг охирига келиб давлатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан она тилимизга қайтадан расмий асос солиниши ва у давлат тили мақомига эга бўлди.

ХИМОЯ

Республика реабилитация маркази очилди

Одам савдоси инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда келажаги таҳдид соладиган трансмиллий жиноят ҳисобланади. Энг ёмони эса у бутун дунёни ўргимчак тўри каби қамраб олаёпти.

Аммо мамлакатимизда мазкур хавфли жиноятнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аввало, одам савдоси жиноятларига барҳам беришнинг норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси одамларнинг нолегал траффига қарши курашишга қаратилган асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди. Давлатимиз раҳбарининг бевосята ташаббуси асосида 2008 йилнинг 17 апрелида "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши натижасида мамлакатимизда одам савдосига

қарши курашиш билан бирга бу иллатдан жабрланганларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Хусусан, мазкур қонунда одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни ишга жойлаштириш, вақтинчалик турар жой билан таъминлаш ва бошқа масалалар алоҳида белгиланди.

Хусусан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузурида 30 ўринга мўлжалланган Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказининг ташкил қилиниши белгиланган. Шу боис Тошкент шаҳрида қисқа муддатда замонавий бино қурилди ва яқинда фойдаланишга топширилди. Марказ ўз фаолиятини одам савдоси жабрдийдаларининг камситилишига йўл қўймайди, ҳаёти ва шахсининг махфийлигига риоя қилиш, ижтимоий ҳамда юридик қўллаб-қувватлаш, шунингдек, яқна тартибда пар-

вариш қилиш тамойиллари асосида амалга оширади. Мазкур марказда одам савдоси жабрдийдаларининг қулай яшашлари, шахсий гигиенага амал қилишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Бундан ташқари, озиқ-овқат, дори воситалари билан таъминланиши билан бир қаторда уларга кечиктириб бўлмайдиган тиббий, психологик, юридик ва бошқа ёрдамлар кўрсатилади, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, қариндошлари билан мулоқот ўрнатиш ва ижтимоий реабилитация қилишда кўмаклашилади.

Марказ очилишига бағишланган тадбирда Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика Идораларо комиссияси аъзолари, тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика Идораларо комиссияси.

САЙЛОВ — 2009

Сайлов жараёнининг энг муҳим ва масъулиятли босқичларидан бири — сайловолди ташвиқоти бошланди. Бу жараёнда депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловчиларни ўз келгуси фаолият дастурлари билан таништирадilar. Уларнинг сайловда муваффақиятга эришиши кўп ҳақдан сайловолди ташвиқотини нечоғли фаол ва самарали ташкил этишига боғлиқдир. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА муҳбири Олим ТўРАҚУЛОВ Марказий сайлов комиссияси аъзоси Феруза АҲМЕДОВА билан сайловолди ташвиқотининг ўрни ва аҳамияти, ҳуқуқий асослари, сайловолди ташвиқотини ўтказишнинг асосий қоида ва талаблари ҳусусида сўхбатлашди.



САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ МУҲИМ БОСҚИЧ

— Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодларнинг шахси, билими ва салоҳиятини сайловчилар олдида тўла намойён қилишга, сайловчиларни номзодлар дастурларининг мазмун-моҳияти билан яқиндан таништиришга, сайловчиларни номзод учун овоз беришга ишонтиришга ва даъват этишга қаратилган жиддий босқич сифатида сайлов кампаниясида муҳим аҳамият касб этади, — дейди Ф.Аҳмедова. — Сайловолди

ташвиқоти номзодлар ва сиёсий партиялар учун ўз имкониятларини намойён қилиш йўлидаги ўзига хос сиёсий майдондир. Бу жараёнда Марказий сайлов комиссияси ва барча бўғиндаги сайлов комиссияларининг асосий вазифаси сайловолди ташвиқоти адолатли, холисона, очик ва ошқорча олиб борилиши учун барча номзодларга тенг имконият ва кафолатларни яратишдан иборатдир.

4»

2»

КОНСТИТУЦИЯ – ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

(Бошланғич 1-бета.)

Ўзбек тилининг давлат тили деб эътироф этилиши давлат мустақиллигининг асосий белгиларидан бири бўлиб, миллий гуруҳимиз ва ифтихоримиз ҳамдир.

Республикамизда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари дўстона ҳаёт кечирмоқдалар. Ушбу дўстлик ва ҳамжihatликни таъминлаш, бошқа халқлар тилларини ҳам эъзозлаш халқимизга хос бағрикенглик намунаси, албатта. Шу боис мамлакатимизнинг кўплаб ўқув муассасалари ўзбек тили билан бир вақтда инглиз, француз, немис, рус, тожик, қозоқ, туркман, япон, хитой, корей, араб, хинду ва бошқа хорижий тилларни ҳам ўрганишга йўналтирилган.

Бугунги кунда фарзандларимизнинг ўз она тиллари қатори жаҳон тилларини мукаммал эгаллаб олаётгани маънавий қадриятларимизнинг узвий давоми бўлиб, ўзбек халқининг жаҳон халқлари ўртасидаги салохиятини янада ошириш учун хизмат қилмоқда.

Бош қомусимизда ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга экани ва бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қамолатлини белгилаб қўйилган. Унинг замирида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, "Қадрлар тайёрлаш" ҳамда "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш" Миллий дастурлари ўз самарасини бермоқда. Айниқса, ёшларга таълим олиш ва жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун яратилаётган шароитлар ва бу борда шаҳон микёсида эришаётган ютуқларимиз фикримизнинг яққол далили бўла олади.

Маълумки, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, инсонпарварлик гояларини ҳаётга татбиқ этиш бевосита оила билан боғлиқ бўлган жараён. Шу сабабли ҳам Конституциямизда ўз ифодасини топган оила давлат негизини ташкил этиши, оиланинг давлат ва жамият ҳимоясида бўлиши, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза этилиши, ҳар бир ота-она ўз фарзандини тарбиялашга ва моддий таъминлашга, ҳар бир воёга етган меҳнатга лаёқатли фар-

занд ота-оналари ҳақида ғам-хўрлик қилишга мажбурлиги тўғрисидаги меъёрлар миллий урф-одатларимизга тўлиқ жавоб беради.

Бундан ташқари Бош қомусимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлигини сақлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Унга кўра, ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш, ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга", деб белгилаб қўйилган. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда аҳоли соғлигини сақлаш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, 1998 йилда қабул қилинган соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. Натигада тиббий хизмат кўрсатиш тизими тўлиқ янгиланди. Аҳолига юқори малакали бепул шозилич тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ягона тизим яратилди.

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар соғлигини мустаҳкамлаш тизимида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Туғруқ муассасаларининг моддий-техник базаси сезиларли даражада мустаҳкамланди. Бўлажақ оналарнинг саломатлигини мунтазам назорат қилувчи ҳамда соғлом болалар туғилишига кўмаклашувчи скрининг марказларнинг кенг тармоғи вужудга келтирилгани жамият учун, фаровонлигимиз учун алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳар бир оиланинг, айниқса, кексаларимизнинг, аёлларимизнинг, фарзандларимизнинг ижтимоий муҳофазасига йўналтирилган бундай меъёрлар жамиятда инсон омилини ҳимоя қилувчи умуминсоний қарашларнинг ёқин ифодасидир. Бу каби инсонпарварлик ҳаракатлари Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси билан мамлакатимизда 1997 йил — "Инсон манфаатлари йили", 1998 йил — "Аёллар йили", 2000 йил — "Соғлом аёл-

йили", 2001 йил — "Оналар ва болалар йили", 2002 йил — "Қарияларни қадрлаш йили", 2003 йил — "Обод маҳалла йили", 2004 йил — "Меҳр-мурувват йили", 2005 йил — "Сиҳат-саломатлик йили", 2006 йил "Ҳомийлар ва шифокорлар йили", 2007 йил — "Ижтимоий ҳимоя йили", 2008 йил — "Ёшлар йили", 2009 йил — "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинаётганида, шунингдек, босқичма-босқич қабул қилинаётган давлат дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар намунасида ўз исботини топмоқда.

Шахсий мулкка эга бўлиш ва унинг дахлсизлиги масалалари ҳам Конституциямизда алоҳида ўрин эгаллаган. Унга мувофиқ ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли, шахсий ва хусусий мулклар ҳам бошқа мулклар сингари тенг ҳуқуқли ҳисобланиши ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши қафолатланади.

Бундай конституциявий меъёр ҳар бир шахсга, у жисмоний шахс бўладими, юридик шахс бўладими мулккий дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланиш имконини беради.

Конституцияимизнинг яна бир бағрикенглик жиҳати шундаки, унда халқимизга эътибор эркинлиги берилган. Бу эркинлик ҳар бир фуқаронинг истаган динига эътиқод қилиш ёки умуман эътиқод қилмаслик борасидаги ихтиёрий ҳуқуқини вужудга келтиради. Мухтарам Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан Тошкент ислом университети очилишга, мамлакатимизда юзлаб жоме масжидлари ва кўплаб бошқа динларга мансуб диний ташкилотлар, мадрасалар, черковлар фаолият кўрсатаётган, минглаб ватандошларимизнинг мувоваққат ҳаж сафарларидан бонасиб бўлаётган, 2007 йилни "Тошкент — Ислам маданияти маркази йили" деб эътироф этилгани ҳам юртимизда эътиқод, виждон эркинлигига берилган имкониятнинг амалдаги исботидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2005 йил 28 январда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида сўзлаган нуқтаи суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш ва янада либераллаштириш, хусусан, қамоққа

олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, шунингдек, жазо чоралари тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш ҳусусида атрофчи тўхталганини ҳам ўтказилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири десак асло хато бўлмас.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони шахс дахлсизлиги қафолатини таъминлашнинг янги босқичига пойдевор қўйди.

Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу Фармони Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида: "Инсон ва унинг ҳаёти олий қадрият ҳисобланади", деб белгилаб қўйилган нормаларига ҳам тўла мувофиқлиги билан диққатга сазовордир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармони шахсий дахлсизликни таъминлашга йўналтирилган яна бир муҳим қадамлардир.

Юқорида баён қилинган фармонлар асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ҳамда "Қамоққа олиш ҳуқуқини судларга ўтказиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунлари халқаро нормалар ва мамлакатимиз Конституцияси талабларига мувофиқ келади.

2008 йил 1 январдан қўлга кирган ушбу қонунлар "Ҳар ким яшаш ҳуқуқига эга, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда қамоққа олиниши ёки ҳибсада сақлаб турилиши мумкин эмас", деган халқаро-ҳуқуқий шартномалар ҳамда конституциявий нормаларга тўлиқ риоя қилиниши таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, инсонийлик ва эзгулик тамойилларига асосланган Конституциямиз барча ҳуқуқ ва эркинликларимиз, шу жумладан, шахсий дахлсизлигимизнинг қафолатидир.

Абдуқамол РАҲМОНОВ,
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги муносабати билан муқофотланганлар орасида Самарқанд туманининг Юқори Арабхона қишлоғида истиқомат қилувчи фермер ва хунарманд уста Ризо Бахтиев ҳам бор эди. У Президентимизнинг Фармонига кўра «Жасорат» медали соҳиби бўлди. Бундан уч йил муқаддам эса «Мустақиллик» орденини олишга мушарраф бўлганди.

Жасоратли ва садоқатли одамлар

Аслида у кишининг тасарруфидати экин майдони бошқа фермерларга нисбатан кичик — бир гектар атрофида. Бу ерда тоқзор барпо этди. Ҳосил ҳам унчалик рекорд даражада эмас — ҳамма қатори.

Тиним билмас Ризо Бахтиев тоқзор ораларидаги иш саранжон бўлиши биланок тандир ясашга киришади. У ясаган тандирларга талаб катта. Ҳатто қўшни вилоятлардан ҳам буюртмалар бўлиб туради. Шунинг учун бир неча шогирдлар олиб, уларга бу касбни ўргатишга тўғри келди.

Фақат шунга эмас. У чорвачиликни ҳам ривожлантиришга киришди. Қўй ва қорамолларни кўпайтирди. Бу борадаги шартномаларни ҳам ортиғи билан бажариб келаяпти.

Ҳўш, бунинг нимаси жасорат экан, деган савол туғилиши табиий. Айтишнинг, иккала кўзи ҳам мутлақо кўрмайдиган инсоннинг шу даражадаги меҳнати жасорат эмасми?!

1981 йили автохалқатга учраб, иккала кўзидан ажралгач, анча муддат шифохоналарда ётди. Шунда умр йўлдоши Кимёхон унинг учун ҳам қорачик, ҳам суяччиқ бўлди. Энг муҳими, умр йўлдошининг тушунлиққа тушишига йўл бермади.

— Ҳеч нарса бўлмагандай тузалиб кетасиз. Мен сиз биланман, болаларингиз ҳам улғайиб ёнингизга қиради. Сизнинг заковатингиз, куч-қувватингиз, хунарингиз бор.

Кейин у умидсизликка берилмай ўзини меҳнатга урди. Тандир ясашни аввалдан биларди. Дастлаб Кимёхон ёрдам бериб турди. Икки йилдан кейин эса ер олиб тоқзор барпо этди.

Ризо ака билан гапласангиз, уни қайтадан ҳаётга қайтарган умр йўлдоши Кимёхон ҳақида тўлиб-тошиб гапирди. Сиз садоқат ва жасорат тимсолларига таҳсинлар ўқийсиз.

Бугунги айрим "сарик матбуот" нашрларининг муаллифлари «юлдузлар» ҳақида ёзаётганда, оила ва Ватан учун Ризо ака ва Кимё опадек инсонлардан ибрат олиш тўғрисида ҳам фикр юртисалар, фойдадан холи бўлмасди.

Нусрат РАҲМАТ



АҲОЛИ МУҲОФАЗАСИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Яқинда Фавқулодда вазиятлар вазирлигида "Вазирлик тизимида ишлаб чиқилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар — аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг муҳим омили" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Давлат ва нодавлат матбуот ҳамда ахборот агентликлари, телерадиоканаллар мухбирлари иштирок этган тадбирда "2009 йил давомид аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар кўлами ва мазмуни", "Вазирлик тизимида аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга оид ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар, уларга қўйилган ҳуқуқий талаблар" мавзуларида маърузалар тингланди.

Матбуот анжумани давомида вазирлик тизимида аҳоли ва ҳудудларни турли табиий ва техноген вазиятлардан муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятлар чоғида қўтқарув хизматларини сафарбар этиш, турли радиацион, кимёвий ва биологик зарарлиш ҳолатлар, ўта хавфли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, фавқулодда вазиятлар чоғида куч ва воситалар ҳаракатини бошқариш, уларни назорат қилиш каби турли йўналишларда бир қатор ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, тарғибот-ташвиқот ишларини такомиллаштиришда оммавий ахборот воситалари билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Тадбир якунида мутахассислар журналистларни қизиқтирган қўлаб саволларга жавоб бериши.

Имомжон АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЯНГИ СПОРТ ЗАЛИ ҚУРИЛАЯПТИ

Чимбой туманида ҳозирда 58 та мактаб ва 32 та мактабгача таълим маскани мавжуд бўлиб, уларда ёш авлодининг спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитларни яратишга алоҳида аҳамият берилади. Энг асосийси эса ёшлар ихтиёридаги замонавий спорт залларининг сони ҳам кўпайиб бормоқда. Жумладан, 5-сонли мактабни таъмирлаш учун 415 миллион сўм маблағ ажратилган. Айни пайтда мактабнинг янги спорт зали тезкор суръатларда қад ростлаяпти. Унинг қурилиши шу йил декабрь ойида ниҳоясига етказилиб, янги йил арафасида болаларга сова қилинади.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЦЕХ ИШГА ТУШДИ

Вобкент туманидаги "Эргашой" фермер хўжалиги "Агробанк"нинг туман филиалидан 20 миллион сўм олган кредитни эвазига замонавий мақрон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ускуна харид қилиб ишга туширди. Натигада 10 киши иш билан таъминланди. Бу ерда кунига 500-600 килограмм маҳсулот тайёрланапти. Гулистон қишлоғида яшовчи аҳоли эндиликда мазкур маҳсулотлардан етарлича баҳраманд бўлишаётганидан жуда хурсандлар.

Шавкат НОСИРОВ,
"Hurriyat" мухбири.

МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНИШДИ

Тошкент вилоятида почта хизмати ходимларининг касбий ва ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида олиб борилаётган маърифий тадбирлар, таълиқлар, ижодий мусобақалар ўз ижобий натижасини берапти.

Масалан, яқинда ўтказилган Узоро беллашувда Паркент туман почта алоқаси тармоғи ходимлари юқори натижага эришдилар. Паркентликлар касбий, ҳуқуқий билимларидан ташқари спорт ва маданий тадбирлар бобид ҳам тенгсиз эканликларини намойён этдилар.

Қўриқ таълиқда бўқалик ва оққўрғонлик почта хизмати ходимлари иккинчи ҳамда учинчи ўринларга муносиб топилиди. Янгийўл, Бекобод, Олмаликдаги почта хизматчилари "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти Тошкент вилояти филиалининг фахрий ёрликлари билан муқофотланди.

Тадбир доирасида соҳада узоқ йиллар ишлаган бир гуруҳ фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

Алқаб АЛИЕВ

ҚИШЛОҚЛАР ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

(Бошланғич 1-бета.)

Битта сутни қайта ишловчидини завод қурилиши устида ҳаракат борапти, битта иссиқхона ишга тушди. Нон ва ун маҳсулотлари тайёрловчи яна бир корхона бунёд этиляпти. Ҳаммаси бўлиб жами 29 та катта-кичик объект қурилиб, иш ўринлари яратилиши керак. Ҳозиргача уларнинг аксарият қисми фойдаланишга топширилди. 740 та ишчи ўрни яратилиб, уларда ёшлар, фуқаролар фаолият кўрсатишмоқда.

Бундай эзгу ишларни "Тошработ" қишлоқ фуқаролар йиғини мисолида ҳам кўриш мумкин. Даврон Душамов, Муҳиба Раҳматова, Улугбек Файзиев каби тадбиркорлар томонидан "Тошработ оқшоми", "Боғишамол" каби тўйхона, ошхона, сервис хизмат кўрсатиш шохчалари, маҳалла бинолари қурилиб, фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, бу ерда стол-стуллар, эшик, ром, дарвоза ишлаб чиқарувчи кичик корхона ҳам мавжуд.

Туман марказида савдо, сервис ва маиший хизмат кўрсатиш нуқталарининг меъморий яхлитлиги, орасидаги ҳар бир кишининг эътиборини тортиши шубҳасиз. Сирасини айтганда, туманининг аксарият ҳудудларида ҳам бу каби бунёдкорлик ишлари билан бирга қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар, зардўзлик, каштачиликни йўлга қўйган хунармандчилик цехлари қурилиб, фаолият олиб бораётгани мустақиллигимизнинг неъматларидан

биридир.

Баландгардиён қишлоғида "Анзират ташаббуси" фермер хўжалиги фаолият олиб боради. Ҳаммаси бўлиб 55 гектар ери бор. Хўжаликни Анзират Ҳалимова бошқаради. 24,7 гектар ерда пахта, 25 гектар майдонда дон экиб, деҳқончилик қилаётган мазкур фермер хўжалиги жорий йилда давлатга пахта ва ғалла сотиш, ишлаб чиқариш режаларини ҳам бажарди. Энг эътирофлиси, ўта сербегин келган, чигитни қайта-қайта экишга

Бугун-чи? Бугун юртимизнинг энг чека бир қишлоғида ҳам муҳташам коллеж ё академик лицей қурилиб фойдаланишга топширилмоқда. Бунга айрим кишилар эҳтимол, "ҳудди шундай бўлиши керакдек" маъносиде ҳам қараш мумкин. Аммо... халқимизда "бугуннинг қадрини билмоқ истасан, кечаги кунингнинг унутма" деган нақл бежиз айтилмаган.

Ҳа, Яратганга шукр, юртимизга кўз тегмасди. Ҳамиша халқимиз фаровонлиги, мамлакатимизнинг порлоқ келажа-

Халқилизда "бугуннинг қадрини билмоқ истасан, кечаги кунингнинг унутма" деган нақл бежиз айтилмаган.

мажбур этган кўламнинг талафотларини ҳам мазкур фермер хўжалиги аъзолари бартараф этишди.

Бир пайтлар, узоқ эмас юртимиз мустақиллигидан олдин бу ўзгаришлару ободликни тасаввур қилишнинг ўзи мушкул эди. Демак, йилдан-йилга ривожланиб, элу юрт фаровонлиги юксалиб бораётганини нафақат эътироф этмоқ, балки ҳар биримиз бунинг қадрига етишни ҳам билишимиз керак.

Бу ободлик, ривожланишлар ўз-ўзидан бўлаётими? Собик иттифоқ даврида биргина кўприк ёхуд бир мактаб биносини ҳам "марказ"нинг қош-қовоғига қарамай қуришнинг имкони бўлмагани бугун ҳеч кимга сир эмас, албатта.

ги учун Президентимиз томонидан олиб борилаётган хайрли ишлар ҳар кунини, ҳар дамда ўз натижасини кўрсатаётгани айнаи ҳақиқат. Бунга яна бир мисол: яқинда Юртбошимиз ойлик маошларини, нафақа ва стипендияларни ошириш ҳақидаги Фармонга имзо чеқди. Бундан барчаннинг боши осмонга етди.

Қолаверса, ҳуқуқимиз томонидан аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш, йўллар бунёд этиш, тоза ичимлик суви, табиий газга, электр энергиясига бўлган талабни қондириш борасида рўйбга чиқарилаётган қанчадан қанча ишларни ёшу қари қўриб турибди.

Шунинг учун одамлар меҳнат қилиб, унинг натижасини кўриш учун ишонч

Салима УМАРОВА

ЖАРАЁН

ФАРЗАНДАРИМИЗНИНГ
БАХТЛИ ЭРТАСИ

кўп жиҳатдан таълим олишнинг ҳуқуқий кафолатларига боғлиқ

Аввал хабар берганимиздек, Адлия вазирлиги ташаббуси билан жойларда "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажақдаги режалар" мавзусида матбуот анжуманлари ўтказилмоқда.

Яқинда улардан бири Самарқанд вилоят адлия бошқармасида бўлиб ўтди. Унда Адлия вазирлиги масъул ходимлари, тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар раҳбарлари, вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг вакиллари иштирок этишди.

ҲУҚУҚИЙ
МАДАНИЯТГА
БАҒИШЛАНГАН
ТАДБИРЛАР

Тадбирда таъкидланганидек, ўтган давр давомида Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлар, фуқаролар ва хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид 680 та шикоят кўриб чиқилди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида эса тегишли ташкилот ва муассасаларга 475 та тақдимнома киритилди. Давлат бошқарув органлари, ташкилот ва муассасаларнинг 88 та қарорининг ижроси бекор қилиниб, 584 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, тадбиркорлар, фуқаролар ва хорижий инвесторларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш, шартномавий муносабатларни тартибга келтириш борасида адлия органларининг саъй-ҳаракатлари билан 2,1 млрд. сўмдан ортиқ даъво аризалари қаноатлантирилди. Бундан ташқари, адлия бошқармасининг тақдирномаларига асосан тадбиркорлик субъектларига 6,1 млрд. сўмлик маблағлар ундириб берилди.

Тадбирда тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида самарадорликни янада ошириш юзасидан бошқарма томонидан олиб борилаётган тадбирлар ва навбатдаги вазибалар борасидаги ҳисоботлар тингланиб, камчиликларни бартараф этишга қаратилган кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Шунингдек, анжуман давомида Бош қомусимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги роли ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилиб, бу борада ёш авлодга тушунтириш ишларини олиб бориш юзасидан тақлиф ва тавсиялар берилди.

Худди шу мавзудаги тадбирлардан яна бири Адлия вазирлиги ҳузурдаги Тошкент юридик коллежиди ҳам бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз аҳолисига, келажагимиз пойдевори бўлган ёшларга Конституцияимизнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш билиш, улар онгида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришдек масъулиятли вазифани амалга оширишда ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириб, унинг қўламини кенгайтириш лозимлиги каби масалалар муҳокама этилди.

Шунингдек, анжуман иштирокчилари келгусида амалга оширилиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига оид ҳуқуқий тарғибот тадбирлари бўйича аниқ режаларни белгилаб олишди.

Тадбир сўнггида эса мана шундай матбуот анжуманларининг навбатдагиси Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида ўтказилишига келиши олинди.

Адлия вазирлиги
Матбуот хизмати.

ШАХСНИНГ қомил инсон бўлиб вояга етишида билим олиш ҳуқуқининг давлат томонидан кафолатланиши муҳим аҳамият касб этади. **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир»** дейилган.

Конституцияимизда ушбу норманинг акс эттирилиши ҳамда умумий таълим олишнинг бепул амалга оширилиши аҳолининг таълим олишга бўлган ҳаётий эҳтиёжини қондиришда бош мезон ҳисобланади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, жамият олдида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари сингарии таълим соҳасини ҳам тубдан ислоҳ қилиш муҳим вазифа сифатида турарди. Шу мақсадда, Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг истиқболли йўллари ишлаб чиқилган ҳолда халқ таълими тизимини жадал ислоҳ қилишга киришилди. Чунки ҳозирги кунда ривожланган давлатларнинг кўпчилиги, шу жумладан, Япония давлати ўз тараққиётига эришиш учун ислохотларни ҳам айнан таълим соҳасидан бошлаган.

1997 йилнинг 29 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида ҳаётимиз учун муҳим аҳамиятга молик масалалар қаторида мамлакатда таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни янги замон талаблари даражасига кўтариш, Ватанимизда баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш мақсадларига қаратилган икки муҳим ҳужжат — "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Қарорлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 октябрдаги "Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ мамлакатимизда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Қарорлар тайёрлаш бўйича миллий дастурий ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши қилиб белгиланди.

Ўзбекистон таълим тизимининг мазмуни, сифати ва салоҳияти, таълимнинг савияси ҳамда мактаб ривожига эътибор даражаси бўйича дунёдаги етакчи давлатлар қаторига чиқи оиди.

1992 йилда "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республи-



касининг биринчи Қонунда миллий таълим тизимида илгари мавжуд ижобий жиҳатларни сақлаб қолган ҳолда таълим ва тарбиянинг собиқ тоталитар тузум даврининг асоратларидан халос этиш вазифи қўйилди. 1997 йилдаги "Таълим тўғрисида"ги Қонунда таълим-тарбия соҳасидаги ислохотларни улкан микёсдаги ва узок мuddатли дастурий фаолият сифатида оёққа қўйди, бу соҳа ривожини давлат сиёсатининг энг устувор вазибалари даражасига кўтарди.

"Таълим тўғрисида"ги Қонунда биринчи марта болаларнинг уйда таълим олиш имконияти белгиланди. Бунга қўра, давлат оилада мустақил равишда таълим олишга қўмаклашди. Болаларни оилада ўқитиш ва мустақил равишда таълим олиш тегишли таълим муассасаларининг дастурлари бўйича амалга оширилди. Таълим олувчиларга ваколатли давлат муассасалари томонидан услубий, маслаҳат ва бошқа йўсинда ёрдам кўрсатиб борилиши белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш йўлида олиб борилаётган ислохотларни амалга ошириш ва кенг жамоатчилик томонидан бу борада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар моҳиятини чуқур англаб олинишига ҳар томонлама шароит яратиш

давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, таълим-тарбия муассасалари ходимларининг энг долзарб вазибалари этиб белгиланган.

Миллий дастурда белгиланган мақсад ва вазибаларнинг уч босқичда рўйбега чиқарилиши белгиланди.

Биринчи босқич 1997-2001 йилларни ўз ичига олиб, ушбу босқичда мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яра-

ти ўқитувчиларни тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди.

Олий таълим соҳасида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди, бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг Европа тизимига ўтилди. Табиий ва аниқ фанларнинг ядро физикаси, иссиқлик физикаси, астрофизика, гелиоматериал-шунослик, биология, микро-биология, кимё ва табиий бирикмалар кимёси, сейсмология йўналишларида ва бошқа кўплаб соҳаларда истиқболли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Хорижий мамлакатларнинг таълим муассасаларида таҳсил олган фуқароларимиз учун давлатимиз томонидан уларга катта имконият яратилди. Бунга қўра, уларнинг хориж олийгоҳида олган дипломи давлатимизнинг ваколатли давлат органлари томонидан белгиланган тартибда тан олинди, нострификация (эквивалентлигини қайд этиш) қилинганидан кейин улар мамлакатимизда ўқишни давом эттириш ёки касбий фаолият тури билан шугулланиш ҳуқуқига эга бўлиши белгиланди. Бу бўйича 2000 йилнинг 25 июлида "Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисида"ги қарор қабул қилинди.

Шунингдек, 1-синф ўқувчиларини ўқув анжомлари жамланмаси билан, кам таъминланган оилалардаги ўқувчиларни қишқи кийим-бош комплекти билан, академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим олаётган етим ва ота-асанининг қаровисиз қолган болаларни кийим-кечак, пойабзал, озиқ-овқат ва стипендия билан ҳамда ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалардаги ўқувчи болаларни, айниқса, қизларни спорт кийимлари ва анжомлари билан бепул таъминлаш мазкур Давлат дастурининг асосий вазибаларидан қилиб белгиланди.

Юртбошимизнинг келажақ авлодга эътибори туфайли халқ таълими муассасалари педагог ходимларининг моддий шароитларини яхшилаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, кам таъминланган оилаларнинг, бошланғич синф ўқувчиларини кийим-бош билан таъминлаш ҳамда биринчи синф ўқувчиларини ўқув қуроллари билан текин таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.

Бундай ишлар Президентимиз ва ҳукуматимизнинг келажақ авлодга бўлган ғам-хўрлигининг ёрқин намунасидир.

Шерзод РАБИЕВ

Тахририятга
хатлар

Ҳаёт пиллапооялари

Ҳаёт зинапояга ўхшайди. Ундан битта-битта қадам ташлаб, биринчи қаватдан иккинчи қаватга, иккидан учта, учдан тўртта ва энг юқорига кўтариламиз. Инсон умри ҳам худди шундай. Аввал боғчага, сўнгра мактабга, коллежга, институтга борамиз...

Аслида бирор қаватда озроқ тин олиб, нафасимизни ростлаб олсак ҳам бўлади. Лекин юқорига чиққан сари яна ҳам кўтарилишимиз келаверилади. Зинанинг икки ёнида мустақам тиргаклар мавжуд. Бу тиргаклар бизга кўмак беради. Ҳаётдаги тиргаклар ҳам худди зинапояннинг тиргакларига ўхшаб иккига. Бу бизнинг ота-онамиздир. Улар бизни оқ ювиб, оқ тарайдилар. Қандай чўққига эришган бўлсак, буларнинг барига улар сабабчи. Илк бор боғчага борганимизда ҳам, мактабга қадам қўйганимизда ҳам ота-онамиз етаклаб боришади. Қолгани эса ўзимизнинг интилишимизга, хунар эғлашимизга боғлиқ. Улар бизнинг кейинги ҳаётимизни ёритиб турувчи машғалалардир. Бугунги ёш авлодга юртимизда давлатимиз томонидан улкан имкониятлар яратиб берилган. Улар овоз ва обод дёрда ҳеч нарега зорикмай билим олмақда, ўзлигини, истеъдодини, маҳоратини жаҳон аҳли кўз ўнгига ҳам мардонвор намойиш этмоқда. Зафар марраларини забт этиб гойиблик шоҳусулларига кўтарилмоқдалар. Бу ютуқлар бундан кейин янада кўшайишига шубҳа йўқ.

Мамлакат ИСМОИЛОВА
Қариш тумани.

Аския —
дўстона ҳазил

"Гулмисиз, райҳонмисиз, сумбулмисиз", — деб бошланувчи аскияни бошқа бир мислдан учратиш қийин. Халқ ота-бобо ижодига мансуб бўлган мажмур жабрнинг, асосий, ҳусусияти унда аския айтувчилар давра қуриб бир-бирларини беғубор қулду тиги остига олишади.

Таъбир жозиб бўлса, бу жанрни ўриқча ўхшатган бўлардим. Сабаби унда айтилган гапларни одатда тўғридан-тўғри қабул қилиш ярамайди. Нозик қочирим ва мажозий сўз уйинлари остида бошқа маъно яширинган бўлади. Уни эшитиш, идрок этиш, тушуниш ва ундан баҳраманд бўлиш керак. Яъни ўриқни чайнаганининг сари мазаси ортиб боравергани каби аскияда айтилаётган ҳазилларда яширинган ўхшатишларни, қочиримларни тушундандан кейингина унинг маъносини чуқурроқ англаш бўлади. Албатта, баъзи аскияларда бироз қўполроқ, четаралдан чиқинилар ҳам кўза ташланishi мумкин. Аммо бу каби айтишларда асосан эркаклар иштирок этгани учун буни шунчаки дўстона ҳазилга йўйиш мумкин.

Сеvara КАРИМОВА
Тошкент шаҳри.

Таъсир

Маҳалладаги тўйда бир гуруҳ ўқитувчилар дастурхон атрофида суҳбатлашиб ўтирганди. Ўқитувчилардан бири Умарали кечадан буён ичтини тўдириб турган воқеани миннатдорлик туйғуси билан сўзлай бошлади:

— Кечқурун гира-ширада биров чақирганини эшитиб кўчага чиқсам, нариги маҳалладаги Абдуллажоннинг 6-синфда ўқийдиган ўғли турибди. Бўйи ўзиникидан 2-3 баравар узун келадиган икки боғ жўҳори поёсини долабизда бирпас ўтлатган эдим. Ўрнига мана буларни олиб келдим", — дейди.

— Э, болам, минг марта розиман, аммо, айт-чи, сенга буни ким ўргатди? — деб сўрасам:

— Бугун тарбиявий соат дарсида устозимиз биринчи ҳаққини ёш гуноҳ эканини айтди, — деди. Кейин уядли шекилли, чопқиллаб кетиб қолди...

Даврада ўтирган барча ўқитувчилар ёш болаларга шунчалик таъсир қила олган, уларни тўғри йўлга, ҳалолликка ундаган ҳамкасбимизнинг маҳоратига қойил қолдик.

Турсунали ЮСУНОВ
Фарғона вилояти.

Солиқ тизими: ислоҳот ва самара

Кейинги пайтда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан юртимиздаги солиқ тўловчиларга қулайликлар яратиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, "Солиқ тўловчи юридик шахсларнинг молия ва солиқ ҳисобларини электрон кўринишда қабул қилиш" дастурий мажмуаси шулар жумласидандир. Ҳозир у барча вилоятларда солиқ тўловчиларга жорий этилиб, кундалик ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бу янгиликнинг қандай афзалликлари мавжуд деган табиий савол туғилади. Бухоро шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари билан суҳбатдан сўнг биз ҳам унинг афзаллигига амин бўлдик.

— Кейинги йилларда халқимиз турмуш тарзи шунчалар замонавийлашиб кет-

дики, буни 15-20 йил илгари ҳисоб этиш билан таққослаб бўлмайди, — дейди Бухоро шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Илҳом Қосимов. — Биргина бизнинг соҳамизда қанчадан-қанча ижобий ўзгаришлар рўй берганини санаб адо-ғига етиш қийин. Масалан, шулардан бири — солиқ тўловчининг бизнинг муас-

сасамизга келиб, овора бўлишининг олди олинди. Энди у ҳисоботни тайёрлаб, ўз ишхонасидан электрон почта орқали бизга юборади. Демак, инспекция-миз биносида ҳисобот топшириш учун навбатда туришларга ҳам барҳам берилади.

— Ҳисоботлар топширишнинг бу янги усули кўпчилик одамларни қизқитиб қўйди, — дея суҳбатга қўшилди шаҳар ДСИнинг солиқ тўловчилар ҳисоботларини қабул қилиш ва таҳлил этиш бўлими бошлиғи Зикрилла Фатуллаев. — Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига улардан электрон рақамли имзо олиш учун 350 та ариза тушди. 2009 йилнинг III чораги якуни бўйича йирик солиқ тўлов-

чи ҳисобланган "Бухоро экстракт ёғ" акциядорлик жамияти, "Бухоро дон маҳсулотлари" ишлаб чиқариш биришмаси, "Бухоро электр тармоқлари" шўба корхонаси, "Бухоро турист" акциядорлик жамияти, "Бухоро пахтаसानоат" акциядорлик биришмаси, "Бухорога таъмир-сервис" ишлаб чиқариш корхонаси ва бошқа қатор корхона ҳамда фирмаларнинг ҳисоботларини тўлиқ электрон почта орқали юборилиши йўлга қўйилди.

Биз ҳисобот топширишнинг янги усулида иш юритаётган "Бухоро электр тармоқлари" шўба корхонаси бош ҳисобчиси Феруза Ҳайдарова билан шу хусусда суҳбатлашдик.

— Ҳисоботларнинг электрон почта орқали қабул

қилиниши биз — солиқ тўловчиларнинг, аввало, вақтимизни тежашга имкон берди. Ҳисобот топширувчиларнинг кўпгина вақти ДСИда ўтарди. Ҳисоботни қабул қилувчиларнинг ҳам иш кўплигидан вақти бўлмасди. Ҳозир эса аҳвол ижобий томонга ўзгарди. Ҳисоботларни тайёрлашда бирор хатоликка йўл қўйган бўлсак, электрон ҳисоботни тўлдиршида ўз хатоимизни ўзимиз аниқлаб оладиган бўлдик. Солиқ ҳисоботларининг мuddати ҳар хил бўлиб, барчасини бир кунда тайёрлашнинг ҳам илоҳи йўқ. Шу боисдан шаҳар ДСИга ойига бир неча марта боришимизга тўғри келарди. Бундай қулай тизим яратилганидан бир қатор

ФАОЛИЯТ

қулайликларга эга бўлдик. Чиндан ҳам давр шиддат билан ўзгариб бораёпти. Оддий қишлоқ мактабларига компьютерларнинг кириб бориши, интернет тизими, модем алоқаси каби ўзгаришлар одамларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Ҳозир юртимиз солиқ тизимида давлат бюджетидан молиялаштирилмаган муассасалар, шунингдек, йирик вазирликлар тасарруфидаги корхона ва ташкилотларнинг ҳисоботларини электрон почта орқали қабул қилиш давом этаёпти. Ҳадемай, мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона ва тадбиркорлик субъектлари ҳам мазкур усул орқали ҳисоботларини топширади. Демак, барча соҳаларда бўлгани каби солиқ тизимида ҳам ислохотлар изчил давом эттирилмоқда.

Матйқуб НАРЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ИСТЕЪДОДЛИ ҚАЛБЛАР МАСКАНИ

Инсон камолотида, айниқса бола тарбиясида санъатнинг аҳамияти беқиёс. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан миллий санъатни ривожлантириш, ёшларни баркамол этиб тарбиялашда санъатнинг ролини янада мустақамлаш борасидаги кенг қўламли ишлар ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилган "Болалар музика ва санъати мактабларининг моддий-техник базасини мустақамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларда муҳим дастуриямал бўлаётди. Республикаимиздаги мавжуд санъат мактаблари бугун ана шу муҳим қарор ижроси йўлида фаолият юртимқда.

шиб, голиб бўлишган. Йил бошида Украинанинг Семфинополь шаҳрида ўтказилган халқаро танловда мактабнинг "Истеъдод" дуторчи қизлар ансамбли бош соврин — Гран-прига сазовор бўлишди. 60 дан зиёд ўқувчи эса тасвирий санъат бўйича дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўтказилган танловларда энг юқори совринларни қўлга киритди. Бундай ўқувчилар келгусида муайян соҳа бўйича олий даргоҳларга имтиёзли қабул қилинади.

ўтган асрнинг ўрталарида ташкил қилинган Республика махсус музика ва рассомлик мактаб-интернати юртимиздаги ўзига хос тарихи ва ўз ўрнига эга билим даргоҳларидан.



— Жамоамизда қатор хайрли ишлар амалга оширилди, — дейди таълим ўчоғи раҳбари Сами Содиқов. — Ўтган йилдан бошлаб таълим шакли 9 йиллик ўрта махсус таълим тизимига ўтди.

Санъат мактабнинг ўзига хослиги шундаки, бу ерда бир йўла икки санъат тури — музика ва рассомлик бўйича профессионал билим берилди. Биринчи синфга етти ёшдан мутахассислик бўйича танлов асосида қабул қилинади. Мутахассислик бўйича рассом ва музикачилар алоҳида ўқийди, умумтаълим фанларини эса биргаликда ўрганишади. Мактабни тугатишда уларга ўрта маълумот ҳақида шухбатнома билан бир қаторда мутахассислик бўйича махсус сертификат ҳам берилди.

Мактабда 610 нафар ўқувчи таҳсил олади. Янги-янги иқтидорларни рўйга чиқаришда уларга 100 нафардан ортиқ малакали ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда. Барча ўқув ва машғулот хоналари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, ўқувчиларнинг ўз иқтидорини бўйича дарсдан ташқари машғулотлар билан шуғулланиши учун ҳам барча шарт-шароит яратилган. Ахборот ресурс маркази, маънавият хонаси улар иштирокида.

Бу даргоҳда бетақдор ижодий муҳит мавжуд. Рассомлик бўлимида болалар

мактабдан кўлаб санъат ва маданият усталари этишиб чиққан. Санъатга фидойи устозларга ҳавасманд ўқувчиларнинг қўлчилиги халқаро танловларда қатна-

шадан ташқари вақти ҳам унумли ва қизиқарли ўтади. Бунинг учун ўқувчиларга тарбиячилар бириктирилган. Олис вилоятлардан келиб таҳсил олаётган ёшлар эса ётоқхона билан таъминланган. Улар кечаю кундуз тарбиячилар назоратида. Дарвоқе, ҳамма билим даргоҳида ҳам урайвермайдишлар хайли бир тадбир ҳақида тўхталсак. Бу масканда ҳар йили бешинчи синф ўқувчиларининг 12 ёшли мучал тўйи ота-оналар-у, мактаб жамоаси иштирокида нишонланади. Бу ижодкор болаларга ўзига хос куч, қанот бағишлайди. **Муҳаббат ТЎХТАШЕВА**

ЎҚИТУВЧИ — ЭЗГУЛИК ТАРФИБОТЧИСИ

Ўқитувчилик гоятда шарафли, масъулиятчи касб. Улар — эртанги кун эгаларига таълим-тарбия беришади. Давр улардан ижодкорлик, психологик ва ушбу синга муҳим хусусиятларни, шунингдек, етук маънавият тарғиботчиси бўлиши тақозо қилмоқда. Яқинда пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги бир қатор мактабларда бўлганимизда ушбу талабаларга "лаббай" деб жавоб бераётган ўқитувчиларнинг қўлига амин бўлдик.

Наргиза Фармонова шу туманининг 200-умумтаълим мактабда она тили ва адабиёт фанларидан дарс беради. Унинг иш бошлаганига санокли йиллар бўлган бўлса-да, кўпчиликнинг эътиборига тушиб улгурди. Аввало у ўз касбига ижодий ёндашади. Болаларни астойдил яхши кўришини унинг очик чеҳрасиданоқ англайсиз. У дарс ўтаётган синфга биз тасодифан кириб бордик. 6-синфда адабиёт дарси ўтиляётган эди. Наргиза интерфаол усуллардан фойдаланиб, ўқувчиларни ўзаро бевалашув асосида асар юзасидан саволга тўтди. У ҳақоратли орқали болалар нутқи, фикр-лаш қобилиятини ўстиришга уринди. Ҳаракатлари эе кетмади. Болалар ҳозиржавоблик билан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Дарс самимий ва илқ ўтди. Наргиза Фармонова шу йил туман миқёсида ўтказилган танловнинг "Бугунги кун ўқитувчиси" номинацияси бўйича иккинчи ўринга бежиз эришмаган, албатта.

жамоаси таълим-тарбия беришади. Муаллимларнинг уч нафари фан номзодларидир. Бу ерда олий тоифали ўқитувчилар сони 12 нафарни ташкил этиши диққатимизни тортди. Бу биз фаолияти билан танишган мактаблар ичидан энг юқори кўрсаткич эди.

Мактаб директори, филология фанлари номзоди Рамида Жавҳаровани айтишича, Наргиза "Тилимиз — гуручимиз" номи тўғраки бошқарилади. Бундан қарангки, 27 соат режалаштирилган тўғрақ машғулотлари йил охирига бориб 64 соатга етган. Биргина шу мисолга таяниб айтиш мумкин, Наргиза Фармонова — фидойи муаллима. Аслини олганда у машғулотларини режага мувофиқ ўтаверса ҳам бўларди. Йўқ, муаллима ўз ўқувчиларининг она тилига нисбатан қизиқинчлиги ортаётганини кўриб, машғулотларини давом эттирди. Шунингдек, бу ўқитувчининг жонқуярлиги тўғрисида мактабда ёш хаваскорлар драма тўғраги ҳам ишлаб турибди. Тўғрақда қўйилган сахна асарларида юқори синф ўқувчилари иштирок этадилар.

Чилонзор туманидаги 200-мактаб билан ёнма-ён жойлашган 202-умумтаълим мактабнинг ҳам шаҳар халқ таълими тизимида ўз ўрни бор. Бу таълим маскани спорт мусобақаларига алоҳида аҳамият беради. Жисмоний тарбия, ҳуқуқ, она тили ва адабиёт, тасвирий санъат фанлари бўйича ютуқларга эришган ўқувчилар талайгина. Шуниси эътиборлики, улар орасида ўқитувчилар ҳам бор.

Ижодкорлик, ташаббускорлик маҳоратларини 202-умумтаълим мактабнинг ёш ўқитувчиси Шоира Содикова фаолиятида ҳам кузатиш. У ижод билан шуғулланиб, шеърлар ҳам ёзади. Машқларини республика матбуотида чоп эттириб туради. Она тили ва адабиёти дарсларида интерфаол усуллардан кенг фойдаланади. Ш. Содикова шаҳар миқёсида ўқитувчи ва мураббийлар кўнига бағишланган тадбир ишланмасининг голиби бўлди. Шоира дарсларида ўқувчиларни эркин фикрлашга, ташаббускорликка ундайди. Бу ҳозирги педагогикада зарур хусусиятлардан бири.

126-сонли умумтаълим мактабда эса 1300 нафар бола ўқийди. Мактаб раҳбари Хидоят Мадаминова ушбу ўқув масканининг тумандаги рейтинг кўрсаткичи 2-ўриндалигини маълум қилди. Ҳақиқатан ҳам мактаб кўркам безатилган. Унинг фойсидан тортиб, қабулхона остонасигача табиий гуллар қўйилган. Бу ўқув масканининг таълим самарадорлигини ошириш учун маданий-маърифий тадбирлардан унумли фойдаланиши аънава тусини олгандан далолатдир. Айниқса, бу йилги "Маънавий ва маърифий ишлар самарадорлиги" ўқув йилида мактабда ҳар ойда бир неча марта тадбирлар уюштирилмоқда.

9-синф ўқувчиларига рус адабиёти фанини ўқитувчи Дилдора Саидқамолова ўтди. Дарсда "Лев Толстойнинг "Уруш ва тинчлик" асари муҳокама этилди. Ўқитувчи дарсни интерфаол усулда, қизиқарли олиб борди. Ўқувчиларнинг қўлиги, талафузларининг раволиги бизни хурсанд қилди. Саидқамолова рус асари ҳақоратини ўзбек адабиётдаги Чўлпоннинг Зебиси билан қиёслаши вазифа қилиб топширди.

Савқиз нафар олий тоифали ўқитувчи эга бўлган 138-ўрта таълим мактабда кимё, биология, география фанлари бўйича ижодкор муаллимлар қўлигини эътироф этиш лозим. Масалан, география фани ўқитувчиси Н.Расулованинг шахсий ташаббуси билан "Республика савҳатчилар маркази" ҳамкорлигида мактабда ёш ўлкашунослар тўғраги тузилган. Тўғрақнинг 345 нафар аъзоси бор. Улар юртимизнинг тоғли ҳудудларига савҳатларга чиқишади. Ушбу ўқув йилида спорт тўғрагининг фаолияти шаҳар миқёсида намунали топилиб, 7-синф болалари футбол мусобақаларида биринчи ўринни эгаллаганилиги мазкур таълим масканида спорт соҳасида ишлар яхши йўлга қўйилганидан далолат беради.

Дарҳақиқат, азим Тошкентимизда ўқув фаолияти намунали ташкил этилган мактаблар кўп. Уларда ёшларимизга Президентимиз, ҳукуратимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратилган. Бу ўғил-қизларнинг пухта билим олишларига замин бўлаётгани шубҳасиз.

Мамлакат НОРМУДОВА,
"Hurriyat" муҳбири.

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ МУҲИМ БОСҚИЧ

(Бошланғич 1-бемда.)

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловида тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш бўйича Концепцияда сайловга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш бўйича энг муҳим талаб ва мақсадли вазифалардан бири сифатида сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайлов қонунчилиги принциплари, талабларини ҳисобга олган ҳолда сайлов жараёнида сиёсий рақобатнинг маданиятли шаклларида фойдаланишга кўмаклашиш белгиланган.

Сайловолди ташвиқотини ўтказишда ҳолисона ёндашуви таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимининг замонавий, самарали ва муқобил йўллари кўрсата билиш, сайловчиларни унга ишонтира олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўз навбатида сайловолди ташвиқоти мобайнида қонун талабларига қатъий риоя этиш, номзодларнинг шаъни, қадр-қимматини ҳурмат қилиш талаб этилади.

— Сайловолди ташвиқотини ўтказишнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида гапириб берсангиз.

— Миллий сайлов қонунчилигимизда сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ ҳуқуқий асослар мустақамланган бўлиб, мазкур тадбирнинг тенг, адолатли, очик ва ошқора асосда олиб борилиши тўла кафолатлади. Авваломбор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов ва сайлашни ҳуқуқи, шунингдек, ҳар бир сайловчи бир овозга эга эканлиги, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланиши мустақамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги ва бошқа қонунларида сайловолди ташвиқотини амалга оширишга доир қоида-талаблар мустақамланган.

Сайловолди ташвиқотига оид қоидаларни белгилашда "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун муҳим аҳамиятга эга. Ушбу қонуннинг 12-моддасига мувофиқ сайловчилар ҳокимиятнинг вакиллик органларига кўрсатишга номзодларни ёқлаб ташвиқот юритиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундан ташқари "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 27-моддасига мувофиқ ва "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 25-моддасига биноан сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар, сиёсий партияларнинг сайлов кампанияси да-

рида сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низомда оммавий ахборот воситалари томонидан депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун тенг шароит яратиш беришининг тартиби ва шакллари мустақамланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепцияда сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга ўз сайловолди дастурларининг қоидаларини, уларда акс этган мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларига доир нуқтаи назарларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратилиши белгиланган.

Маълумки, авваллари сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан ташкил қилинарди. Миллий сайлов қонунчилигимизга киритилган сўнгги ўзгаришларга кўра сайловчиларнинг йиғилишлари сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилади. Сайловчиларнинг йиғилишлари ўтказиладиган жой ва вақт, қоида тартибиде, участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинади. Маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат бирлашмалари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналар ажратилиши, уларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатишлари шарт. Йиғилишлар ва учрашувларнинг ўтказиладиган жойи ҳамда вақти ҳақида сайловчиларга олдиндан хабар қилинади.

Депутатликка номзод қилиб рўйхатга олинган шахс сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида, ўртача ойлик иш ҳақи сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан сақланган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан овоз бўлиш ҳуқуқига эга.

Қонунчилигимизга мувофиқ сайловолди ташвиқотини номзодлар номидан уларнинг ишончли вакиллари ҳам олиб бориши мумкин. Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришларга мувофиқ Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар ўн нафар ишончли вакилга эга бўлишлари мумкин. Ишончли вакиллар номзод депутат этиб сайланиши учун унинг номидан ташвиқот юритадилар, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек, сайлов комиссияларида номзодларнинг маънавий химоя қилинади.

Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин ўз ишончли вакиллари ўзи белгилайди ва бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум қилади. Сайлов комиссияси ишончли вакиллари рўйхатга олади ва уларга тегишли гувоҳномалар беради. Ишончли вакил сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин эмас.

Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди. Яъни,

сайлов куни сайлов участкалари ва уларнинг яқинида оғзаки ҳамда ёзма ташвиқот юритиш, у ёки бу номзодга овоз беришга чақирувчи плакатларни осиб қўйиш, турли хил буклетларни ва ўзида номзодлар ҳақидаги маълумотларни ифодаловчи ҳар қандай материалларни тарқатиш тақиқланади. Ушбу қоида овоз бериш жараёнида сайловчининг ўз иродасини эркин ифодаланиши таъминловчи муҳим кафолат бўлиб хизмат қилади.

— Сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга қандай имкониятлар яратилади?

— Сайловолди ташвиқоти жараёнида оммавий ахборот воситалари нияоятда муҳим ўрин тутадилар. Шу боис, юқорида таъкидлаганимиздек қонунчиликда бу борада сайлов жараёни иштирокчиларига, аниқроғи, депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитларни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу масалада Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низом муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур Низом депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартибини белгилайди.

Қонунчилигимизга мувофиқ депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Улар сайловолди ташвиқотини ўтказишнинг шакли, услублари ва мазмунини мустақил белгилайдилар.

Оммавий ахборот воситалари депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун тенг шароит яратадилар. Даврий матбуот нашрлари депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш билан боғлиқ етарли шарт-шароит ва имкониятлар белгиланган. Ушбу қоида-талаблар сайловолди ташвиқотини олиб бориш борасидаги халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принципларига мос келади. Номзодларга ва сиёсий партияларга сайловолди дастурларининг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, сайловчилар билан бевосита учрашувлар ўтказиш орқали таъиништиришда тенг ҳуқуқлар яратилган. Ушбу ҳуқуқий кафолатлар, номзодлар ва сиёсий партияларга ўз дастурларини кенг тарғиб қилиш имконини беради ҳамда сайловчиларга номзодлар орасидан ўзи учун муносибини танлашга хизмат қилади.

АВВАЛИ

ТОШКАНДА ҚУРБОН БАЙРАМИ

Тошканд шаҳри ва атрофида йил қурбон номозини 20 нчи декабрда шанба куни ўқудилар. Арафа куни анд-дак йамғур ёниб турган эди. Йил қурбон намозини кечалардан бошлаб ҳаво совуқ бўлиб кечаси илан қор ёзиб йил куни қўчалар қалин қор ва қаттиқ совуқ бўлиб шаҳар фуқаролари катта йилгоҳ жомеъа боромали маҳаллардаги жомеъа масжидларида йил қурбон намозини ўқудилар. Ушбу йил куни ва арафа кунлари ҳаво нияоятда совуқ бўлган ҳақиқатан одамлар қурбонлик молларини сўба олмай, қурбонлик сўбадан совуқни қаттигиндан ул қурбонлик гуштини шишуруб бера олмай аксари жойларда тўхтатиб қўйдилар.

Яна бир қийин ва қаттиқ иш шул бўлибди, ҳар йили қурбон вақтида қўй ва ҳоқ қора мол қурбонлик қилдурганлар ўз уйларида ва ўз қўллар илач сўйиб эдилар. Бу йил ҳам ушбу тарихқа қийос қилиб шериклик қурбонлик қилдурганлар олган қора молларини ўз уйларида сўйолмадилар, зероки кунхона мутааслиллари ҳар маҳалга борибдилар. Думоҳонини бўйруғи шулқим қўй қурбонлик бўлса уйларида сўйиб, қора молни кунхонага олиб бориб сўйарсан, бўлмаса йуз сўм иштраф бераётган деб хабар берган.

"Туркстон вилоятининг газети", 1909 йил 1 январь

Намрага тайёрловчи Аъзам УМАР

ДУНЁДА НИМА ГАП?

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

ТИФ Миллий банк:
КЕЛАЖАККА
ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Истиқлол йилларида юртимизда хорижий инвесторлар учун қўлай ҳуқуқий инвестиция муҳити, кафолатлар ва имтиёзларнинг кенг тизими яратилди. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш чора-тадбирларининг яхлит тизими ишлаб чиқилди ва бунда банк тизими энг муҳим вазифалардан бирини бажаради.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқларида банкларнинг йирик ишлаб чиқаришларга ҳам, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига ҳам инвестицияларни жалб этиши борасидаги фаолиятини кенгайтириш зарурлигига кўп мартаба эътиборни қаратишлари бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ўз олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун катта куч-гайрат сарфлаб, ишлаб турган корхоналарни реконструкциялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янги корхоналарни фойдаланишга топшириш лойиҳаларини молияламоқда. Бу ишлар натижасида республикамизда юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқаришлар барпо этилди, рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш фаол ўзлаштириляпти. Ишлаб чиқариш таркибининг ўзидега эмас, айти пайтда экспорт номенклатурасида ҳам прогрессив ўзгаришлар юз бермоқда. Аввало, жаҳон бозорига ҳамашё ресурсларини эмас, балки тайёр маҳсулот етказиб бериш ҳажми ортмоқда. Шу билан бирга, аҳолини иш билан таъминлашдек муҳим масала ҳам ҳал этиляпти.

Бунинг натижаси ўлароқ, Миллий банк ўзи фаолият юритаётган 18 йил давомида бутун Марказий Осиё минтақасидаги энг катта инвестиция муассасасига айланди. Қўчи рақобатга қарамай, банк мамлакат молия бозоридида ўз пешқадамлик мавқеини сақлаб қоляпти.

Молиявий муассасанинг кўп йиллик тажрибаси, нуфузли халқаро наشرлар томонидан кўп мартаба тасдиқланган етакчилик мавқеи, шунингдек, малакали мутахассислар унга умумий аҳамиятга эга ҳўжал объекларни ривожланишини молиялаш ишларини юксак даражада таъминлаш имконини берапти. Хусусан, булар — Бухоро нефтининг қайта ишлаш заводи қурилиши ва Фарғона нефтининг қайта ишлаш заводини реконструкциялаш, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК учун хорижда ишлаб чиқарилган авиалайнерларнинг лизинг бўйича олинишини молиялаш, "Ўзгромашсервис" уюшмаси ва "Ўзсаноатмашинпекс" ДАТСК учун "CASE" компаниясининг кишлоқ ҳўжалиги техникасини сотиб олиш, Навоий кон-металлургия комбинати учун кон казиш усуналари етказиб бериш, "Тошшаҳарйўловчитранс" уюшмаси учун "Даймлер-Крайслер" русумли автобуслар сотиб олиш ҳамда Ўзбекистон қиёфасини ўзгариётган жуда кўплаб бошқа лойиҳалардир.

Демак, ҳўлоса қилиш мумкинки, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда кредитловчи банк сифатида қатнашиш ўзмилий банкнинг асосий бизнеси бўлиб қолмоқда. Зеро, унинг активлари таркибида кредитлар 50 фоиздан кўпроқни ташкил этади. Банк корхоналар ва ташиқлотларга янги объектлар қуриш, замонавий технологияларни жорий этиш ва рақобатбардош маҳсулот чиқариш учун узоқ муддатли кредитлар бериш йўлида ҳамма имкониятлардан фойдаланишга интиломоқда.

Банкинг 2009 йил учун ишлаб чиқилган Кредит сиеатига мувофиқ Миллий банк томонидан ҳисобот йилида берилган кредитлар иқтисо-



диётнинг устувор тармоқларини ривожлантиришга, ишлаб турган корхоналарни модернизациялаш ва янги, юксак самарали ишлаб чиқаришларни жорий этиш тадбирларини молиялашга, маҳаллий ҳомашё ресурсларини қайта ишлаш асосида импорт ўрнини босувчи истеъмол моллари ишлаб чиқарилишини ривожлантиришга йўналтирилади.

Хорижий банкларнинг такорро молияланган маблаглари ва молиявий муассасанинг ўзига тегишли маблаглари хорижий валютадаги кредитлар манбалари бўлиди. Инқирозга қарши дастурда кўзда тутилган инқирознинг олдини олиш ва жаҳон инқирози оқибатларининг таъсирини камайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш, иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада кўпайтириш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини ошириш, иқтисодиётни таркибан ўзгариши жараёнига инвестицияларни кенг жалб этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида молия муассасаси йил бошидан буюн (2009 йил 1 ноябрдаги ҳўлатга кўра) хорижий валютада 314,6 миллион АҚШ доллари ва 286,2 миллион евро ҳамда миллион доллардан 1,6 миллиард сўмликдан ортик ҳўлдамдаги йирик инвестиция лойиҳаларини қўриб чиқиб, молиялаш ишларини бошлади.

Хўзирги кўнда республика иқтисодиётининг барча тармоқлари Миллий банк кредитларидан фойдаланмоқда. Лойиҳалар молиялаш натижасида тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг ўсишига эришилди. Коммуникация тизимлари — темир йўл, автотранспорт ва авиация тармоқларини ривожлантириш иқтисодиётни таркибан янгилаш ишларида катта ўрин тутди.

Тошкент аэропортидан ташқари яна 12 та минтақавий аэропорти ўз ичига олган "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиаконпанияси транспорт коммуникацияларнинг тараққиётини асосий роль ўйнайди. Айти пайтда Навоий шаҳри аэропортини реконструкция-

лаш ва модернизациялаш лойиҳаси (II босқич) бўйича молиялаш ишлари бошланган. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 41,3 миллион АҚШ доллари эквивалентига тенг. Ушбу аэропорт ҳар қандай турдаги, жўмладан хорижий авиаконпанияларнинг авиалайнерларини қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш имконига эга бўлади.

Миллий банк хорижда

ишлаб чиқарилган замонавий ҳаво кемалари паркинни барпо этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялашда ҳам фаол қатнашмоқда. Хўлбуки, мазкур иш Ўзбекистон Республикасига келадиган хорижий сайёҳларнинг янада кўпайиши, Ўзбекистон компанияларининг амалий алоқаларининг кенгайиши ва тадбиркорликнинг ривожланиши учун хизмат қилади.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАКнинг ҳаво кемалари паркинни янгилаш ва унификациялаш лойиҳасини амалга ошириш учун Миллий банк 1,2 миллиард АҚШ доллари қийматдаги кредит битимини имзолади. Жорий йилда шу лойиҳанинг биринчи босқичи бўлган "А-320-200 типидидаги олтинта самолёт ва қўшимча битта двигатель сотиб олиш" лойиҳасини амалга ошириш доирасида банк 69,6 миллион АҚШ доллари ҳўлдамдаги молиялаш ишларини бошлаб юборди. "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК компанияси ҳам транспорт коммуникацияларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Чўнончи, Миллий банк кредит эҳтиёжи 70,1 миллион АҚШ доллари бўлган "Хитойда ишлаб чиқарилган 15 та йўловчи электровози сотиб олиш" лойиҳасини молиялаш бошлади.

Бундан ташқари, Миллий банк умумий кредит эҳтиёжи 151,5 миллион АҚШ доллари бўлган яна бир лойиҳа — "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрган темир йўлиниясини қурилиши" лойиҳаси бўйича молиявий агент вазифасини бажармоқда.

Республиканинг ёқилга энергетика комплексини Ўзбекистон саноатининг базавий тармоғи ҳисобланади. Бутун республика иқтисодиётининг ишончли ва беҳатар ривожланиши энергетика комплексининг барқарор ва самарали ишлашига боғлиқ. Хўсусан, Миллий банк "Ўзбекэнерго" ДАКнинг умумий кредит эҳтиёжи 427 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган "Навоий ИЭСни модернизациялаш ва буг-газ қурилмасини барпо этиш", "500кВт қувватга эга Фузор-Сурхон юқори вольтли линиясини қуриш" ва "Сурхон минтақасида автотрансформатор қуриш" лойиҳалари бўйича молиялаш ишларини бошлаган.

Кон казиш саноати, хўсусан нефть-газ комплекси ҳам Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда устувор аҳамиятга эга. Шўни таъкидлаш лозимки, инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун Миллий банк томонидан ажратилган кредитларнинг асосий қисми Ўзбекистон Республикасининг нефть-газ тармоғини ривожлантиришга йўналтирилган. Хўзирги вақтда Миллий банк "Ўзбекнефтгаз" МХКнинг ишлатилаётган бургулаш қурилмалари паркинни янгилаш ишларини молияламоқда. "Ўзбекнефтгаз" МХК корхоналарини бургулаш қурилмалари ва 3D сейсмоқидрув комплекслари билан жиҳозлаш учун 177,6 миллион АҚШ доллари микдоридида маблаг ажратилган. Бу эса фақат вертикал усулда эмас, горизонтал усулда ҳам қазиб олиндиган нефть ва газинг суткалик ўртача ҳажмини ошириш имконини беради. Шўнингдек, мазкур бургулаш қурилмаларидан республиканинг янги қонларидида геология-қидирув ишларини олиб боришда фойдаланилади ва бў ҳам қазиб олиш, қайта ишлаш ва маҳсулотни экспорт қилиш ҳажмларини кўпайтириш имконини беради.

Бундан ташқари, хўзирги вақтда умумий кредит эҳтиёжи 99,9 миллион АҚШ доллари бўлган "Қўнгирот компрессор станциясида газ қуриш объект қурилиши" ва "Қамчиқ довори орқали "Охангарон-Пунган" магистрал газ қувири қурилиши" лойиҳалари бўйича молиялаш ишлари бошланган. "Мўборак газни қайта ишлаш заводи"да суўлтирилган газ ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун пропан-бутан аралашмасини тайёрлаш қурилмаси қурилиши" лойиҳаси бўйича молиялаш ишлари бошланган арасида турибди. Бу лойиҳанинг умумий кредит эҳтиёжи 190,39 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Миллий банк республика кишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялашда ҳам жуда катта роль ўйнаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Чўнончи, банк "Андижон вилоятидаги "Раиш-Хакент-1", "Улуғнор" ва "Гўлбаҳор 1К" насос станцияларини реконструкциялаш", "Фарғона, Марғилон шаҳарлари ва уларга ёндош аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминланишини тўдан яхшилаш" лойиҳалари бўйича молиялаш ишларини бошлаган. Бу лойиҳаларнинг умумий кредит эҳтиёжи 58,1 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Лойиҳалар амалга оширилиши ерларнинг мелиоратив ҳўлатини анча яхшилаш имконини беради. Бу эса уларнинг унумдорлиги ҳамда фойдаланиш самардорлигининг ортишида ўз аксини топади.

Аграр сектор ривожланиши мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга экани эътиборга олинса, бундай лойиҳаларнинг молиялаш ички маҳсулотни ҳажминини кўпайтириш ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишда ёрдам беради. Шўндай қилиб, инвестиция лойиҳаларини молиялаш борасида молия муассасаси олиб борган ишлар таҳлили шўни кўрсатмоқдаки, мамлакатимиз банк хизматлари бозоридидаги пешқадамлардан бири бўлган Миллий банк муваффақиятли амалга оширилган бир қанча инвестиция лойиҳалардан иборат "сослав"ни тартиб кетаётган "иқтисодиёт локомотиви" вазифасини бажармоқда.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг матбуот хизмати. (R)

Иқтисодий инқироз
туфайли

Нью-Йоркнинг «Метрополитен» музейи 2009 молиявий йилда янги асарлар сотиб олишга 38,92 миллион доллар сарфлади. Бу ўтган йилдаги қараганда 10 миллион доллар камдир.

Музейнинг бундай аҳволга тушишига жаҳон иқтисодий инқирози сабаб бўлмоқда. ARTINFO маълумотларига қараганда, музей бюджетидидаги камомад жорий йилда 8,4 миллион долларни ташкил этади. Шўнинг учун музей ҳодимлари сони ҳам 14 фоизга қисқарди.

Шахтада портлаш




Хитойнинг Россия билан чегара ҳудудидида жойлашган Хэйлуңцзян музофотидаги кўмир шахтасида содир бўлган портлаш оқибатида 104 нафар киши ҳалок бўлди. Ушбу хабарни кеча эрта-лаб Хитой ҳўкумати вакилининг баёнотида асосланиб, France-Pressе мухбири тарқатди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, шахтада газ портлаган. Портлаш вақтида у ерда 528 нафар ишчи бўлган. Уларнинг 389 нафари кутқариб олинди. 4 нафар шахтёр шахтада қолиб кетган. 29 нафари эса дараксиз йўқолган, деб тахмин қилинмоқда. Воқеа туфайли шахта раҳбарлари — директор, директор ўринбосари ва бош муҳандис ишдан бўшатилган. Ушбу кўнгилсиз ҳўдиси Хитой тоғ-кон саноати тарихидидаги энг йирик ҳалокатлардан бири бўлди. Эслабди ўтамиз, 2007 йилда Шаньси музофотидаги шахтада бўлган портлаш туфайли 105 киши ҳўятдан кўз юмган эди.

Комедия трагедия
бўлди


Испаниянинг Кадис шаҳрида Том Крузиз ва Кэмерон Диаз иштирокида «Knight and Day» комедия суратга олинаётган пайтда суратга олиш майдончасидан иккита ҳўкиз қочиб кетди ва кўчада юрган бир неча кишига жиддий жароҳат етказди. France-Pressе хабариди айтилишича, ҳўкизлар полиция уларни қўлга олгунга қадар 40 дақиқага яқин кўчада юрган.



Шаҳар мэри кинони суратга олишни тезлик билан тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Кино шў йилнинг охирида суратга олиб бўлиниши ва 2010 йилнинг июнь ойида экранларга чиқиши керак эди.

Шартнома ўз вақтида
бажарилмас...

Туркия Исроилдан сўнгги 50 кун ичида 10 та учувчисиз парвоз қилган самолёт сотиб олмоқда. Агар шартнома ўз вақтида бажарилмас, турк томони маҳсулотни олишдан бош тортади ва 4 миллиард доллар жарима талаб қилади.




Жаҳон ОАВ хабарларига қараганда, ҳар бири 180 миллион долларга баҳоланаётган учувчисиз учадиган самолётларнинг ярмини

Туркия ўтган йили олган эди. Уларнинг иккинчи партияси эса жорий йилнинг февралига етказиб берилиши лозим эди. Аммо Исроил томонининг айби билан шартнома муддати кечиктирилди. Шўнинг учун Туркия шарт қўйишга мажбур бўлди.

Кўшиқчининг буюмлари
кимощи савдосида

Машҳур кўшиқчи Майкл Жексоннинг қўлқопи шанба кўни Нью-Йоркда бўлиб ўтган кимощи савдосида 350 минг долларга сотилди. Кимощи савдосини уюштирган Julien's Auctions компанияси мусиқа қиролининг буюмини 40-60 минг долларга сотишни режалаштирган эди.



Қўлқопнинг дастлабки баҳоси 10 минг доллар деб баҳоланган бўлса-да, унинг нархи кейин бирдан кўтарилиб кетди. Ушбу қўлқопни кўшиқчи 1983 йилги концерти чоғида кийган эди.

Кимощи савдосига мусиқа қиролининг ҳаммаси бўлиб 70 га яқин буюмлари қўйилди. Кўшиқчи вафотидан сўнг унинг буюмларига талаб ортиб бормоқда. Кимощи савдоси ҳам буни яққол исботлади.

Иккинчи турда
аниқланади

Яқшанба кўни Руминияда бўлиб ўтган президент сайловида ҳеч бир номдўр 50 фоиздан кўп овоз ола олмади. Бу ҳақда France-Pressе тарқатган хабарда айтилган.



Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, амалдаги президент Траян Басеску 32,8 фоиз, социал демократлар вакили Мирча Жоана 33,7 фоиз сайловчилар овозини олишга эришган. Ушбу умумхалқ тадбирида барча сайловчиларнинг 50 фоизга яқини иштирок этган.

Президент сайловининг иккинчи тури шў йилнинг 6 декабрь кўни бўлиб ўтади.

Хавотирли статистика

Германия статистика федерал хизмати маълумотларига қараганда, яна 50 йилдан сўнг мамлакат аҳолиси 12-17 миллион нафарга қисқариб кетиши мумкин. Бу ҳақда кеча AFP хабар тарқатди.

Хўзир Германияда 82 миллион нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. 2060 йилга келиб эса улар сони 65-70 миллионни ташкил этиши мумкин. Энг ачинарлиси, ўша пайтга бориб, мамлакат аҳолисининг ҳар учтадан биттаси 65 ёшдан ошган бўлади.

Статистика федерал хизмати вакилининг айтишича, мамлакатда туғилишининг камайиб кетаётгани шўндай оқибатларга олиб келади. Бугун Германиядаги ҳар аёлга 1,4 та бола тўғри келади. Аҳоли ўсишини таъминлаш учун эса 2,1 бола тўғри келиши лозим.

Денгиз қароқчиларига
қарши

Украина Миллий хавфсизлик ва мудофеа кенгаши денгиз қароқчиларига қарши курашиш учун Африканинг Фил суяги кўрфазига тинчликпарвар куларни жўнатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бу ҳақда мамлакат ташқи ишлар вазири Петр Порошенко баёнот берди. Унинг таъкидлашича, денгиз қароқчиларига қарши ЕИ томонидан ўтказилаётган «Атлан-

ДАРАКЛАР

та» амалиётида дастлаб мамлакат хавфсизлик хизмати «Альфа» гуруҳининг 30 нафар аскари иштирок этади. Уларнинг таъминоти мамлакат бюджетни ҳисобидан амалга оширилади.

«Атланта» амалиёти ўтган йилнинг 8 декабрь кўни бошланган эди. Унда ЕИ мамлакатларига тегишли 13 та кема иштирок этмоқда.

Кемада одам кўп
бўлгани боис

Суматра оролларида йўловчи паромининг чўкиб кетиши оқибатида 21 нафар йўловчи ҳўятдан кўз юмди. 232 киши эса кутқариб олинди. France Presse хабарига қўра, кема декларациясида бортда 213 йўловчи борлиги айтилган бўлса-да, бунга ишониб бўлмайдиган Чўки паром айнан одам кўплиги туфайли чўкиб кетган. Шўнинг учун ҳўкумат махсус комиссия тузди. Бу комиссия юқоридида ҳўлатни ўрганиб чиқади ва фўжалии воқеага ўз муносабатини билдиради.

Суперлайнернинг
муваффақиятли
парвози

Airbus A380 суперлайнери ўтган жума кўни Париждан парвоз қилиб Нью-Йоркнинг Кеннеди номидаги аэропортига келиб қўнди. Самолёт дунёдаги энг кўп йўловчи ташийдиган ҳаво лайнери ҳисобланади.

Air France вакилиларининг таъкидлашича A380нинг Париждан Нью-Йоркга доимий парвози кечадан бошланди. Кейинги йилнинг февралдан Йоханнесбург ва Токиога ҳам шў самолётлар қатнай бошлайди.

Airbus A380 бир вақтнинг ўзида 853 нафар йўловчини ўз манзилига етказиб қўйиши мумкин. Унинг узунлиги 73 метр, эни эса 24 метрни ташкил этади.

Сармоялар
микдори камайди

Россия иқтисодига келаётган чет эл инвестицияси микдори жорий йилнинг тўққиз ойида ўтган йилнинг шў давридагига нисбатан 27,8 фоизга қисқарди. Бу ҳақда мамлакат статистика қўмитаси ахборотида айтилган. Шў билан бирга тўғридан-тўғри келадиغان инвестиция микдори 48,1 фоизга, бошқача айтганда 9,975 миллиард долларга қисқарган. Хўзирда Россия иқтисодига энг кўп инвестицияни Голландия, Кипр ва Люксембург киритмоқда.

13 ёшли боланинг иши

Германияда шў пайтга қадар 140 дан ортик ўғирлик ва бошқа жиноятлар содир этган 13 ёшли ўсмир қўлга олинди. Хабарларга қараганда, у Шарқий Европада юборилди. Хабарда айнан унинг қайси мамлакатга жўнатилиши айтилмаган. Аммо у борган жойида ўтин тайёрлаш ва молларга қараш билан шўгулланади.

Болакай 10 ёшида биринчи марта ўғирлик билан шўгулланган эди. Ушанда у бирининг ҳовлисида кириб мопедни миниб кетганди. Германия қонунларига қўра ҳозирча болани воёга етмаганлиги боис, жавобгарликка тортишининг иложи йўқ.

АЭСда радиация
тарқалди

АҚШнинг Пенсильвания штатидаги Хэррисбург шаҳрида жойлашган Three Mile Island атом станциясининг биринчи энергоблокида радиация тарқалгани маълум бўлди. Хабарда айтилишича, ҳалокат АЭС ҳодимлари таъмирлаш ишлари олиб бораётган вақтда содир бўлган.

Атом станциясининг 150 ҳодими тезлик билан уйларига жўнатишди. Таъмирлаш ишлари билан банд бўлган ишчилардаги радиация микдори ўлчаб қўрилганда, бир киши йиллик микдордаги нурланиш олгани маълум бўлди. Қолганлар олган радиация микдори унчалик баланд эмас. АЭС иши вақтинча тўхтатилди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Комил ёшлар саодатини ўйлаб

Жарқўрғон туман ҳудудининг асосий қисми тоғ-адирлардан иборат. Бу ерлик аҳоли тоғ ёнбағирларидаги қишлоқларда истиқомат қилади. Абдувойит Қиличев ана шу манзилларни обод қилишга муносиб ҳисса қўшишни ният қилганлардан. У етакчи бўлган жамоа бугунгача бир неча мактаблар, шифоналар, қишлоқ врачлик пунктларини барпо этиб, эл олқишини олган инсонлардан таркиб топган.

Жарқўрғон туманидаги 4-умумтаълим мактаби биноси ҳам давр талабига жавоб бермай қолган эди. Бу даргоҳни тубдан қайта таъмирлашни А.Қиличев бошлиқ бинокорлар ўз зиммасига олгач, барча куч сафарбар этилди. Натижада беш ой ичида мактаб қайтадан чирой очди.

Курувчилар жамоаси ўтган йили Қумқўрғон туманидаги 600 ўқувчини бағрига оладиган 64-умумтаълим мактаби биносини ҳам қайта реконструкция қилган эди. Давлатимиз томонидан ажратилган анчагина маблағ ҳисобига таъмирланган мазкур таълим маскани ўзига хос чирой очди. Синфхоналар, амалий машғулотлар ўтказиш кабинетлари энг сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Жорий йилда ҳам бу аҳил жамоа ўзига топширилган объектларни куриш ёки таъмирлаш ишларини масъулият билан бажариб келмоқда. Масалан, 435 ўринли Агросервис хизмат кўрсатиш касб-хуна колледжи курилиши ҳам Абдувойит Қиличев раҳбар бўлган бинокорларга топширилганди. Колледж курилишига уюшқоқлик билан киришилган эди. Курилиш ишлари спорт зали, учта ўқув корпуси, амалиёт ўтказиш

устахонасида тезкорлик билан олиб борилди.

— Мазкур коллеж биноси ўзининг ташқи фасади жиҳатидан бошқаларидан кескин фарқ қилади, — дейди Жарқўрғон "Куриштиранс" масъулияти чекланган жамияти раҳбари А.Қиличев. — Лойиҳага асосан спорт зали, ойнаванд айвонлар, фан кабинетлари, амалий машғулот ўтказиш устахонаси 200 миллион сўмлик замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бугун ўғил-қизларимизга касб-хуна ўрганишлари учун шундай шароит яратиб берилгани бу — мустақиллик шарофатидан, албатта.

— Ҳозир вилоятимизда ўндан ортиқ касб-хуна коллежлари, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар барпо этилаётгани чиндан ҳам қувонарли, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари Жўра Сафаров. — Уларнинг баъзилари мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилди. Кўпчилиги қишлоқ жойларида, маҳалла-ларда қад ростлаётгани эса таҳсинга сазовор.

565 ўринга мўлжалланган Термиз туманидаги "Лимонзор" маҳалласида қад кўтарилган касб-хуна колледжида меҳмонхона ва туризм йўналиши бўйича малакали кадрлар тайёрланади. Уч қаватли бино-



қа кўшимча равишда қарийб тўрт гектар майдонни ўз ичига оладиган спорт мажмуаси ҳам барпо этилаётди. Мажмуада футбол, волейбол, баскетбол ўйингоҳлари, теннис корти, югуриш йўлакчалари мавжуд. 18х30 метрлик ёпиқ спорт зали бу мажмуага ўзига хос салобат бахш этиб турибди. Амалий машғулотлар ўтказиладиган устахона ҳам қад ростлаган. Унинг ёнида барпо этилган эллик ўринли ўқувчилар уйи ва бундан ташқари 12 та ёрдамчи бинолар ҳам бу маскан кўркига-кўрк бўлаётир. Ётоқхонада эса ўқувчиларнинг дарс тайёрлаш, дам олиш, оқватланишлари учун барча қулайликлар яратилган.

Иншоотни Баҳодир Қодиров раҳ-

барлик қилаётган Термиз таъминот саноаткурилиш таъмирлаш хусусий корхонаси жамоаси барпо этди.

— Коллеж очилиши термизлик ўғил-қизларнинг қалбини қувончга тўлдирди юборди, — дейди Баҳодир Қодиров. — Жамоамиз мактаблар, коллежлар қуришда катта тажриба тўплаган. Ўтган йили ҳам Жарқўрғон туманидаги "Сурхон" қишлоқ фуқаролар йигини ҳудудидаги Оққўрғон агросаноат коллежи биносини куриб, белгиланган муддатда ишга туширган эдик.

Ҳа, Сурхон воҳасидаги бугунги бунёдкорлик ишлари киши қалби-га қувонч бахш этади.

Омон ШУКУРОВ, **Р** журналист.

Курбонали Абдураҳмонов, Раҳматжон Эрақбоев, Шавкатжон Йўлдошев, Мақсаджон Исоқов, Муталибжон Холмирозев сингари етакчи мутахассис-бинокорларимиз бошқараётган йирик курилиш ташкилотлари жамоаларининг ҳалол ва самарали меҳнати, қалб қўри билан бунёд этилаётган ҳашаматли иморатлар жамолига боқиб тўймайсиз.

Мамлакатимиз Президентининг юртимиз ва халқимиз истиқболи, фаровонлиги йўлида кўрсатаётган гамхўрлиги ва давлатимиз томонидан замонавий иморатлар учун миллиардлаб сўм маблағ ажрати-лаётгани барчамиз учун қувонар-лидир. Шу ҳақда ифтихор билан фикр юритарканмиз, мухташам таълим-тарбия қосоналарини энди авайлаб-асраш, уларни навбатда-ги авлодлар учун оҳорини тўкма-ган ҳолда етказиш масъулияти кўз ўнгимизда турмоғи лозим. Бу мас-канларда таълим олаётган ёшлар-га шу туйғу синдирилса, айни муддао бўлур эди. Гўзаллик эзгу-ликка чорлайди, ҳаётни безайди ва асрайди. Демак, уни қадрламоқ, асрамоқ ва бойитиб бормоқ ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз-дир.

Илҳомжон МИРЗАРАҲИМОВ, **Ф** Фаргона вилоят Давлат архитектура-курилиш назорати инспекцияси бошлиғи.

Эгар мустаҳкам бўлса...

Тарих манбаларига назар ташлайдиган бўлсак, эгар анжомлари эрамиздан олдинги минг йил илгари яса-ла бошлагани ҳақидаги маълумотларга дуч келамиз. Эгарни усталар турли безаклар билан безатган. Бу отга бўлган меҳрни, эътиборни билдиради. Шунинг учун бундай ноёб эгарлар хатто Давлат санъат музейидан, ўлкашунослик музей-ларидан жой олган.

Егонга санъаткорона нақш бериб ясал-ган эгарларда ўтириш киши учун қанча-лик роҳатбахш! Буни моҳир чавандоз син-гари ҳис қилиш қийин, албатта. У кўп-карида минг хил ҳолатга тушади, десак муболага бўлмас. Отлар уюрини ериб кириб, улоқни даст кўтариш ва уни мар-рага элтish осон иш эмас. Яхши от чавандоз улоқни ердан кўтариши учун чўқкалайди, эгасининг ҳолатини сезган жонивор тўддан чиқиб учун бутун кучини сарфлайди. Шундай пайтда от ҳам, чавандоз ҳам эгарнинг мустаҳкамлигига суянади. Эгардаги суянчик, дўга, қопқок, қанот, терлик, айил каби жиҳозлар панд бермаслиги керак. Улар панд берса, қилинган барча ҳаракат бекорга кетади. Бундай ҳолларда ча-вандоз отларнинг оёғи остига тушиб кетиши ҳам мумкин. Новак эгар-лари мана шундай синовлардан ўтган. Шунинг учун чавандозлар Новак-нинг эгарини мақташади. Қизил, мустаҳкам, отнинг қалтис ҳаракатла-рида силжимайдиган эгарлар усталарнинг шуҳратини ошириб юбора-ди. Бу эгарга ўтирганлар не-не қаҳрамонликлар кўрсатмайдими, дейсиз? Биз Бахмал туманидаги Йўлдошбой қишлоғида яшайдиган чавандоз Абдували Мухторов билан айнан шу ҳақда суҳбатлашиб қолдик.

— 1986 йилда Ростов-Дон вилоятда ўтказилган кўпқари мусоба-қасида иштирок этганман. Ушанда 14 та республикадан чавандозлар келишди. 40 кун давом этган мусобақаларда қатнашиб, соврин олиб қайтдим. Шундан бери Новак эгарининг ҳосиятини яхши биламан. От, чавандоз ўз йўлига, лекин кўпқарида асосан эгар мустаҳкам бўлиши керак. У панд бермаслиги керак. Билиб қўйинг, эгар яхши бўлса, от ҳам яхши чопайди, бадани яраланмайди. Буни от сезади. Новакнинг эгарлари мустаҳкам. Туманимиздаги Ўрай қишлоғилик Аб-дулла Нурназаровнинг "Тўриқ қашқа"сида чопдим. У билан энг катта соевринларни олганман. Қўрғоқстон, Қозғоқстон, Тожикистондаги кўпқариларда бўлдим. 22 йил от чопдим. Билганим, эгар мустаҳкам бўлмаса, чавандозга банд беради. Шунда эгарнинг нечоғли аҳами-ятга эга эканини билганман. Оддий бир камчилик ҳам чавандозга панд бериб қўяди.


Чавандознинг айтишича, чинакам санъат асари даражасида тайёр-ланган — пишиқ ва мукамал эгарларни ясаш учун усталар ойлаб меҳнат қилишади. Шу боис унинг нархи жуда кўпмат бўлади. Хатто бундан анча йиллар аввал бир киши эгарни битун бошли қарийб 800 кило тош босадиган новвосга алмаштирмаган эди, — дейди Абдували ака.

Бахмалликлар бугунги кунда новқалик уста Омонулла Маматқулов ясаган эгарларга катта баҳо берадилар. Бу эгарлар чавандозларнинг руҳини кўтаради, отга мадад беради, баданига ботмайди, дейиша-ди. Қолаверса, улар ўзининг бежиримлиги, гўзаллиги билан киши-ларни лол қолдиради.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

МУЛОҲАЗА

"Мобиль" маданият



Бугунги ҳаётимизни фан-тех-ника воситаларисиз тасаввур этиш қийин. Аҳолининг уларга бўлган талаби ҳам кун сайин ор-тиб бормоқда. Биргина уяли алоқа воситаларини олайлик. Улардан фойдаланмайдиган одам жуда кам. Мактаб ўқувчилардан тортиб чойхонадаги ёши улуг отахонларимизгача — ҳамминанг қўлида телефон. Юртимиз аҳоли-сига бир қатор уяли алоқа ком-паниялари хизмат кўрсатаётир. Бу, албатта, қувонарли ҳол. Чин-дан ҳам уяли алоқа воситалари инсоннинг ахборотга бўлган эҳтиёжини тез қондирибгина қол-май, ўз яқин инсонлари билан алоқа ўрнатиб туришида кўмак-деш бўлмоқда. Яна бир жиҳати, инсон ўз вақтини тўғри сарфлаб бўлган ишини ўз вақтида режа-лаштироқда.

Шу ўринда уяли алоқа воси-талари орқали сўзлашиш мада-ниятига ҳам эътибор қаратиб ўтмоқ лозим. Айрим инсонлар жамоат транспортида, жумладан, автобусларда мобиль телефо-нда ярим, гоҳ бир соатлаб сўзла-шишади. Аввалига уларни ишби-лармон бўлса керак, деб ўйлай-сиз. Аммо вақт ўзга кўлунингиз-

га чалинган сўзларидан энсан-гиз қотиб, фикрингиз янглиш эканига амин бўласиз. Бу ҳолат, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тус олмақда. Автобус ўриндиқлари-да жойлашиб олиб, тинмай қўл телефонида гаплашишади. Гап-лари ҳам маиший ҳаётда рўй бе-раётган оддий воқеа-ҳодисалар-дан иборат. Шундай вазиятда улар катта ёшдаги инсонларга жой бериши ҳам "унутиб" қўйишмоқда. Холбуки, телефон ўз номи билан алоқа воситаси, холос.

Қўл телефонлари бизнинг мушқулумизни енгиллатиш учун кашф этилган. Аксарият ёшларнинг майда мақсадлар билан яшашга ўрганиб қолаётганига мана шу ҳам сабабдир балки. Эътиқоди бут одам бўлиб улғайи-шимизда бизни ўраб турган бор-лик, атрофимиздаги дўстларимиз, ўқиган китобимизнинг ҳам ўрни бекис. Акс ҳолда жамоат транспортида ўтириш, катта одамларнинг тик турганини кўрганда пингани ҳам бузмас-лик, устига-устак "сотка"да узун-да узун сафсата сотиш қайси тарбиянинг меваси бўлди экан?

Албатта, телефонда қанча вақт сўзлашиш ҳар кимнинг шахсий иши. Бироқ, жамоат жойларида ундан жуда зарур бўлганда фой-даланилса ва сўзлашишда ҳам меъёрга амал қилинса, ёмон бўлмас. Чунки сўзлашиш одо-би ҳам инсоннинг тарбияси, ма-даниятининг нечоғли даражада эканини кўрсатади.

Босит УМАРҲУЖАЕВ, **А.Қодирий номидаги Тошкент маданият институти талабаси.**

Бинокорликда — сифат ва замонавийлик асосий мезон

"Бизнинг кудратимизга шубхан-гиз бўлса, биз қурган иморатларга боқин". Соҳибқирон Амир Темир-нинг бу сўзлари замирида миллий меъморчилигимиз нафақат ўзининг бетакрор ва беназир андозалари-га, шунингдек, мухташам иморатла-римизнинг ўзига хос тарихию, курилиш услубларига эга эканини орадан бир неча асрлар ўтса-да уларнинг хусну жамоли ва пойдор-лигига ҳеч бир табиий зўғум таъ-сир ўтказма олмаслигига ҳам ишора бор.

Бугун ҳам она юртимизда энг замонавий курилиш технология-лари асосида кўплаб иншоотлар курилмоқда. Янги аср шаҳарсо-злиги, қишлоқларимиз инфрату-зилмасига чирой ва моҳият бахш этаётган бинокорликлар барча-нинг ҳавасини келтирмоқда, де-сак янглишмаймиз. Ана шулар қаторида, айниқса, келажакимиз эгалари бўлиши ёш авлоднинг таълим-тарбияси учун мўлжаллаб курилган коллежлар, лицейлар ва мактабларимизнинг ҳам борлиги ҳар бир юртдошимизнинг қалби-

ни фаҳрга, ғурурга тўлдирди. Гап мухташам ва кўркам иморат-ларимиз ҳақида борар экан, улар-ни барпо этаётган қўли гул бино-корларимизга беихтиёр таҳсинлар айтаемиз. Албатта, бу ишда Давлат архитектура-курилиш назорати Фарғона вилоят инспекцияси хо-димларининг ҳам ҳиссаси бор. Улар ҳар бир курилиш объектининг лойиҳа-смета талабларидан келиб чиққан ҳолда зиммаларидаги вазифа-ни пухта амалга ошироқдалар.

Албатта, ҳар бир объектада иш ҳақиши ҳам сифатли бўлаётми. Баъзан хомашёнинг сифатсизли-ги ёки бошқа сабаблар билан объект курилишида камчиликлар бўлиб туради. Масалан, жорий йил-нинг ўтган тўққиз ойи ичида 414 та курилиш объектларида бажари-лаётган курилиш-монтаж ишлари сифати таҳлил қилиб борилиб, 2811 та назорат текшируви ўтказилган бўлса, шундан 897 та ҳолатларда аниқланган камчиликлар иш юри-тиш журналларига қайд қилинди. Натижада Ўзбекистон Республика-сининг "Курилиш соҳасидаги

ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғри-сида"ги Қонунига асосан 24 та юри-дик шахсга нисбатан 16711,5 минг сўмлик жарима қўлланилди. 342 миллион 37 минг сўмлик сифатсиз бажарилган курилиш иш ҳажмла-рини пудратчи ташкилотларнинг ҳисобларидан вақтинча чегириб ташлаш учун бююртмачиларга ёзил-малар киритилди. Ўз вақтида кўри-лаётган ана шундай чора-тадбир-лар самараси ўлароқ вилоятда фой-даланишга топширилаётган кури-лиш иншоотлари нафақат ўзининг меъморий кўркамлиги, балки пишиқ-пухталиги билан ҳам мута-хассислар томонидан юксак баҳо-ланмоқда.

Нисбатан катта ҳажмдаги ва алоҳида масъулият ҳамда юксак касбий маҳорат талаб қилинади-ган объектларимиз курилиши, ай-ниқса, барча параметрлар бўйича тўлақонли қад кўтарилганидан хурсандимиз. Фарғоналик бинокор-лар шуҳрати бугун нафақат водий, хатто республикамиз миқёсида ҳам кўпчиликка маълум. Хусусан,

АНЖУМАН

Озод юртнинг ёш истеъдодлари

"Истиклол" саройида "Янги авлод — 2009" болалар ижодиёти фести-валининг республика босқичи голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг "Қамалак" болалар ташкилоти, Халқ таълими вази-рлиги ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда фестивалнинг якуний босқичи иштирокчилари, уларнинг ота-оналари, устозла-ри, мусиқа ва санъат йўналиши-даги мактабларнинг ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари, жамғарма-нинг турли лойиҳаларида, тан-ловларида совриндор бўлган ёшлар, халқаро ташкилотлар ва юртимизда фаолият юритаётган хорижий дипломатик корпус ва-киллари иштирок этишди.

Айтиш кераки, мазкур фести-валь бетакрор, ранг-баранг концертлар, бадий кўргазма-лар, тақдирот маросимларига бойлиги ва санъатнинг сеҳри, мафтунок дунёсига ошно бўлган мурғак қалб эгаларини тўплагани билан ҳам эътибор-лидир. Республикамиз бўйлаб, истеъдодли янги номларни

кашф этаётган мазкур фести-валь уларнинг ижодини респу-блика ва халқаро миқёсда тани-тишга хизмат қилмоқда. Ижодий беллашувнинг бу йилги туман, шаҳар ва вилоят босқичлари кўтаринки руҳда ташкил этилди. Унда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган йигирма мингга яқин ўғил-қиз умумтоз мусиқа, хонандалик, мусиқа чолғулари ижрочилиги, тасви-рий ва амалий санъат, бадий ижод йўналишида ўз маҳорат-ларини намойиш этдилар.

— Ушбу фестивалда иштирок этганимдан жуда хурсандман, — дейди фарғоналик аънавий ижрочилик йўналиши лауреати Улугбек Элмуродзода. — Мазкур санъат байрами хотирамда бир умр сақланиб қолади. Фестивал сабаб устозлар, таниқли санъ-аткорлар, моҳир мусафирлар-нинг маҳорат сабоқларидан баҳ-раманд бўлдим. Санъатга меҳ-ри баянда дўстлар ортирдим.

Дарҳақиқат, фестивал исте-ъдод соҳибларига нечоғли бой, улар ҳамиша давлатимиз

ва жамиятимиз эътиборида экан-ини яна бир бор намоён этди. — Биз ёшларга кўрсатилаёт-ган бу каби эътибордан жуда мамнунман, — дейди қорақал-погистонлик Бибиноз Каипова. — Ушбу фестивалда тасвирий санъат йўналишидаги ўз ижо-дий ишларим билан қатнашдим ва голиб деб топилдим. Бун-дан ташқари пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига, музейлар, театрлар, тасвирий галереялар, майдон ва хиёбон-ларга саёхат ташкил этилгани менда катта таассурот қолдир-ди.

Тадбир якунида "Янги авлод-2009" болалар ижодиёти фести-валли голибларига дипломлар топширилди. Фестивалнинг сов-риндорлари ва санъат усталар-и иштирокида концерт дасту-ри намойиш этилди. Айниқса, тадбирда жаҳонга машҳур хо-нанда Сезария Эворанинг иш-тирок этгани унинг эсда қола-ри ҳодисасига айланди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, "Туркистон-пресс".

ВАЗИФА

Суд қарорлари ижроси муҳим

Республика суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармасига қарашли Чилонзор туман суд ижрочилари бўлими томонидан юқлатилган вазифаларни ўз вақтида бажариш, жумладан, тегишли судлар томонидан чиқарилган суд ижро варақаларининг ижросини таъминлаш катта масъулиятли вазифадир. Шу боис судлар томо-нидан ижрога қаратилган ҳар бир ҳолат қонуний ва ўз муддатда бажарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқ-да.

Айталик, Ҳакамлик судининг 2008 йил 31 октябрдаги ТС-5 сонли ҳал қилув қарори асосида Тошкент шаҳар ҳўжалик суди томонидан берилган 2009 йил 9 июндаги №15/997-сонли ижро варақасига асосан қарздор "TRANSNET" МҲЖ ҳисобидан "Ўзқабель" ОАЖ фойдаси-га 105.825 сўм қарз, суд ҳаражатлари учун 56.080 сўм жами 161.905 сўм ундириш белгиланганди.

Мазкур ижро ҳужжати туман суд ижрочилари бўли-мининг ижро иш юритувига 2009 йил 25 сентябрь кунини келиб тушган ва шу кунини ижро иши юритиш ҳақида қарор чиқарилган ҳамда қарздорга топширилган. Қар-здордан қарз суммаси тўлиқ ундирилиб, 2009 йил 22 октябрь кунги тўлов топшириқномасига асосан "Ўзқа-бел" ОАЖ нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилди.

Бундай мисолларни жуда кўплаб келтиришимиз мум-кин. Албатта, ҳар бир суд қарорларини қонунда белги-ланган муддатда ижро этиш жуда катта масъулият та-лаб этади.

И.НОРКУЛОВ, **Тошкент шаҳар Чилонзор туман суд ижрочилари бўлими катта суд ижрочиси.**

МАЪНАВИЯТ

КАДРИЯТ

“Бу лолалар — менинг шеърим...”

МУТОЛАА

Кўнгли гардини арита олган ҳар қандай ижод намунаси адабиётга дахлдордир. Журналист ва шоир Абдуҳалиқ Абдуразақовнинг “Сиз отамни танийсиз” бадиасини қўлга олар эканмиз, ундаги ўзига хос сатрлар беихтиёр кўнглимни забт этди. Асар дастлаб “Дастхат” шеърисидаги “Аслим сўрасанг, Уроқлининг эрка улиман” деган сатрлар билан бошланади.

Аслида инсонга ато этилган ҳисларнинг энг улуғи Ватанга муҳаббат бўлса керак. Шу туйғу сабабли инсонларнинг номи шарафга бурканади. Энг гўзал сатрлар ҳам шу мўътабар замин мадҳига йўғрилган бўлади. Беш бўлимдан иборат китобнинг “Она, Ватан, онажон Ватан” ҳамда “Ўзбекистонни тинч кўйинг” дея ном берилган бўлимлардан айтиш мавзудаги мақолаларни мароқ билан ўқийсиз. Публицистик жанрнинг гўзал намуналарини ярата олган муаллиф мавзуга ҳамоҳанг равишда шеърлар битди.

Тўпلامнинг навбатдаги “Оталар, оналар ва болалар”, “Ҳақон ўзбекча кўламоқда” ҳамда “Раҳмат сенга, юрак!” бўлимларида оила, ота-она ва фарзанд муносабатлари ўзига хос тарзда таҳлил қилинади. “Ота ибрати ҳақида сўз” мақоласида ҳам оталик туйғуси, меҳри, масъулияти ҳақида фикр юритилади. Аслида миллий кадрларимиз замирида отанинг фарзанд олдидаги, фарзанднинг эса ота-она олдидаги масъулияти яққол кўзга ташланиб туради. Бу хусусият миллиатимизнинг қон-қонига сингиб кетган фазилатлардан ҳисобланади. Шоирнинг ўзи айтгандек, бу туйғу “Худо ато этган мана шу саховатли замин орқали сувимиз, об-ҳавомиз, кўшимиз билан авлоддан-авлодга ўтиб, барҳаёт яшаб келмоқда”.

Яна бир ўринда муаллиф битганидек, биз самимий ва адолатли

бўлсак, ҳар бир ҳаракатимизда яхшилик муҳдаси бўй кўрсатиб туради. Баъзан ҳаётда турфа ҳарактерли одамларга дуч келамиз. Бировларга қулук қилиб, бировларга менсимай қараймиз. Китобда тилга олинган бир воқеа беихтиёр мулоҳазага чорлайди.

Нуфузли идоранинг боғини ораста қилиб юрган одмигина одамга ҳеч ким эътибор бермасди. Янги раҳбар келиб, унга кишиларнинг эътибори ортади. Қандай қилиб? “Янги бошлиқ жамоани тўплаб, боғини ҳам тақлиф этди ва идора ходимлари номидан туғилган кун билан табриклади. Сарпони эгнига кийган боғбининг кўзидан тиркираб ёш куйилди. Дунёда бир ғариб инсоннинг кўнглини топишдан ҳам басавоб иш йўқ экан аслида!”

Ҳа, дунёда инсоннинг кўнглига қувонч бахш этишдан осон ва улуг иш йўқ. Айниқса, кексаларга қилинган эзгулик уларнинг эзгу дуоси орқали қайтади, албатта. Чунки кексалари ардоқланган юртдан кут-барака аримайди. Шоир ўқинч билан ёзади:

Отамнинг қабридан хабар ололган Яшил майсачалик Бўлолмадди мен.

ТАБИАТ ВА ИНСОН



Лазги куйининг тарихи

Хоразм дейишса бир куй кулоқларим остида чалинаверади. Бамисоли вужудим жимирлаб, бармоқларим ўзимга бўйсунмай қолаётгандай бўлади. Бу сеҳрли куй номини “Лазги” дейишади. Қарангки, ушбу наво “Синик” деб ҳам аталаркан. Халқнинг ўзи донишманд. Сабаби, “Синик” номи бежиз берилмаган ёки ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган.

Ривоят қилишларича, қадим замонларда, Хоразм томонларда бир парирухсор яшаб ўтибди. Унинг таърифи етти иқлимга етибди. Ошиқларнинг сон-саногини йўқ, лекин қизнинг кўнгли ўзга дилга, ўзга кўнглига боғланиб бўлган экан. Йигит ва қизнинг бахтдан сармаст дамлари Хоразм шоҳини адо этибди.

“Наҳотки оддий йигит шундай паривашга муносиб бўлса” деб ўйлабди шоҳ. “Бундай адолатсизлик кетмайди”. Шоҳнинг уйкуси қочиб, унинг учун тун билан кўннинг фарқи қолмабди. Тақдирга кўнмай, қиз ила йигитни ҳузурга чорлабди ва ниятини баён қилибди: “Агар севган ёрингга етишишни истасанг,

бир мусиқа чалинади. Ўша куй тугагунча рақсга тушишинг керак. Шартни бажарсанг, сизларга тегмайман. Йўқса...” Қиз муҳаббати, суюкли ёри учун шартга кўнбди. Мусиқа саройдан ташқарига кузатиб узоқ давом этибдики, қиз ҳолдан тойиб, тиззалари билан бемажол ерга йиқилибди. Ёрининг қийналиб кетганини кўрган ошиқ йигит унга далда бўлиш, ишқини шу тахлит ҳимоя қилишни истаб қиз томон эгилибди. Нигоҳлар тўқнашиб ҳорғинлик тарқаб кетибди. Париваш энди тиззалари билан рақсга туша бошлабди. Унинг қўллари ҳолисз букилиб-букилиб кетаверибди...

Шоҳ мусиқани тўхтатишга

буйруқ берибди. Кейин “Ишқ куйида бир девонани кўрдим. Унинг бундан бўлак ҳеч нимаси йўқ. Ушанимга тортиб олсам бўлмас”, — дея ошиқларни иззат-икром билан саройдан ташқарига кузатиб қўйишга амр қилибди.


Бу бир ривоят. Аммо ана шу ривоят сабаб “Лазги” навалари эҳтимол “Синик” деб ҳам эътироф этилар. Чинакам санъат чегара билмайди, масофа танламайди. Балки шу сабаб Хоразм “Лазги”си нафақат Ўзбекистон, бутун олам санъат шайдоларининг вужудини жунбушга келтиради.

Дилдора ДАВЛАТЁРОВА, ЎЗМУ журналистика факультети талабаси.

ЭҲТИРОМ

Илм заҳмат йўлидир

Бундан анча йиллар олдин Бухоро вилоятининг Жондор туманидаги Қулиён қишлоғида умрини меҳнат билан ўтказган Эгам ота оиласида кенжа ўғил дунёга келганида унга узоқ ва бахтли умр тилаб, яхши ният билан Эсон деб исм қўйишади.



Ёшлиги Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги оғир йилларга тўри келган Эсон ака ўқиш ва меҳнатни ўзига қўш қанот қилиб воёга етди. Туман марказидаги ягона ўрта мактабдан етуқлик аттестати олиш учун ҳар кун 20-25 қақирим йўл босиб ўқиди. Кейинчалик илм эгаллашга астойдил бел боғлаб, Тошкент халқ ҳўжалиги институти (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодий университети)га ўқишга киради. Талабалик даврининг ҳар бир кунини чуқур билим олиш ва яхши касб эгаси бўлиш йўлида сарфлаган қаҳрамонимиз 1958 йилда ўз қишлоғининг Тошкентда олий маълумот олган биринчи мутахассиси бўлиб Жондор тумани давлат банкига ишга боради. Аммо илм ўрганишга иштиёқ, олим бўлишга ҳавасмандлик уни яна пойтахтга чорлайди.

Тошкентда уни устозлари ва илм даргалари илиқ кутиб олишди, фанининг ўнқир-чўнқир йўлида қоқилмай фаолият кўрсатишнинг сир-асоратларини ўргатишди. 1972 йилнинг бошидаёқ фан номзоди илмий даражасига эришган ёш иқтисодчи ўз тадқиқотлари асосида қишлоқ аҳлининг моддий турмушини яхшилаш, маданий фаровонлигини ошириш, меҳнат унвдорлигини юксалтириш асосида ҳосилни кўпайтириш ва тупроқ таркибини яхшилашдан иборат кўплаб муаммоларга боғлиқ илмий изланишлар олиб борди. Бу ишда унга шу соҳанинг етуқ билимдон И.С.Реут йўл-йўри кўрсатиб турди.

Э.Эгамов тез орада доцент, 1991 йилда эса профессор даражасига эга бўлди. Унинг илмий-педагогик фаолияти Тошкент халқ ҳўжалиги институтида кечди. Бу олий ўқув даргоҳида кўп йиллар декан, кафедра мудири ва бошқа масъул лавозимларда ишлаб, эл орасида, айниқса, энгиллар даврасида обрў-эътибор тоғди. Бу йилларда унинг қатор монографиялари, дарслик ҳамда ўқув адабиётлари, илмий мақолалари-ю, рисоалари эълон қилинди.

Камтарин устоз бугунги кунгача кўплаб ёшларга иқтисодий билимлар бериш, уларнинг илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш билан бир қаторда жамоат ишларини ҳам сиқидилдан адо этиб, кўпчиликнинг ҳурмат ва эътиборини топиб келмоқда. Институтида фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқувчи апелляция комиссияси раиси, методистлар ишчи гуруҳи раҳбари ва мураббийлар кенгашининг аъзоси сифатида фаол меҳнат қилмоқда.

Истиқлол шарофати ила Тошкент молия институти ташкил этилган кундан буён эса Эсон ака ана шу даргоҳда меҳнат қилиб келмоқда. Ушбу олий таълим ўчоғининг юксак малакали иқтисодчи кадрларни тайёрлайдиган нуфузли таълим масканига айланишида янада самарали меҳнат қилмоқда. Ҳа, ёшларнинг сеvimли устози, ҳамкасбларининг ишончли елкадоши ва яқин маслаҳатқўйи бўлган заҳматқор фан фидойиси ҳаммиса илм-фан сирларини пухтароқ эгаллашга ундайди.

— Бугунги ёшларга ҳавас қилмаслик мумкин эмас, — дейди профессор Э.Эгамов, — негаки, муҳтарам Юртбошимиз мамлакатимизда баркамол авлод тарбияси, етуқ кадрлар тайёрлаш йўлида барча шарт-шароитларни, имкониятларни яратиб бермоқда. Бугун илм оламан, фан билан шуғулланаман деган ҳар бир инсон учун барча қулайликлар мавжуд. Ҳамма гап иштиёқ ва заҳматдан чўчимасликда, изланишда.

Фан фидойисининг бу фикрларига албатта қўшилмасдан бўлмайд.

Ҳамид ОМОНОВ, Тошбслта ЖўРАЕВ, Тошкент молия институтининг профессорлари.

Бўрилар олишувви

Чўққиларига эндигина қиров кўнаётган баланд тоғ бағридамиз. Ойдин кеча... Атрофида тўда-тўда арчалар хўмрайиб тургандай кўринаётган кўтоннинг четида, доира шаклидаги тап-тақир ўтов жойида ётибмиз. Тоғ қизини кўриш учун саҳнатга чиққан суратқаш ҳамроҳларим пойабзалларини ҳам енмай тўнларига ўралганларича, гужанак бўлиб ҳуриллаб-пишиллаб ухлашаяпти.

Менинг эса уйкум қочган. Қўлларим бошим остида. Осмон бағридан жимирлаб кўринаётган сон-саноксиз юлдузларга, уларнинг пастроғида сузиб юрган тўли ойма термилиб ётибман. Юзимни сийпалаб ўтаётган майин тун сабоси кўтон атрофида тўзғиб ётган андиз, кўзиқулоқ ва оққуврай япроқларини у ёқдан бу ёққа охиста тебратади. Шуни ҳисобга олмаганда борлиқ сукунатда.

Ой ва юлдузларга термилла-термила кўзим эндигина илинган экан, бош томонимда — кўтон юқорисидаги эшаклардан бири хангради. Орадан бир сония вақт ўтиб-ўтмай, у пишқириб, ер тепинди. Яна хангради. Бошимни кўтариб, эшакка қарадим. У кўтон пастидаги қуюқ арчали жилгага қараганича қулоқларини диккайтириб турарди. Эшак бирор нарсани кўрди, шекилли, дедим-да, ўрнимдан турдим. Ҳар эҳтимомга қарши милтиқни кўлимга олдим. Эшаклар бегоҳат тиккайиб турган томонга эътибор билан қараб, қулоқ тутдим.

Жилга тўридан, анча этакдан қандайдир махлуқларнинг секин овозда ириллаб бир-бирларига ёпишаётгани элас-элас эшитилапти. Нима экан улар? Бўриларми? Ёки чўпонлардан қолиб кетган дайди итларми? Нима бўлса ҳам бир кўрай дедимда, дилимни шер тутиб, секин-аста жилга елкасидаги арчазор оралаб пастладим.

Уларнинг ит овозига ўхшаш овоз чиқариб шиддат билан ёқалашаётгани, тишларини асабий шакллатаётгани шундоқ қаршимдаги ялангликдан эшитилапти. Милтиқни ўнғайлаб, уларни кўриш



қулайроқ бўлган бир арча орқасига паналаб, атрофни кузатиб турдим. Сутдек ой ёруғида ёқалашаётган мавжудотларнинг баҳайбатлиги, бошларининг катталиги, думларини қисиб олганликлари ва йир-йирик хўзларининг ёниб турганидан уларнинг бўри эканига ишондим.

Улар бир-бирларига ириллаганича термилиб туриб-туриб, бирдан ғириллашган ҳолда рақибининг бўйинга, оғзига ёпиша кетарди. Бўрилардан бири, яъни юқорисидидаги чарчади, шекилли, орқага тисарилиб, чўнкайиб ўтирди. Пастдагиси ҳам чўнкайди. Орадан кўп ўтмай, юқоридаги бўри ўрнидан туриб ириллаганича пастки бўридан юқорилаб, у томон ўтиб бораётгани, куйидаги жондор югуриб у билан ёқалаша кетди. Бу ҳол бир неча бор такрорланди. Пастдаги бўри юқоридагисини ўз томонига асло ўтказмаслик учун жон-жаҳди билан курашарди.

Шу топда бир мерганнинг ҳикояси эсимга тушиб кетди. Ҳар бир жондорнинг ўз ихтиёрида етти сувлоти бўлади. Бу қарийб юз километр майсоддаги худудни қамаб олади. Лекин у ўз чегарасига иккинчисини ҳеч ҳам киритмайди. Агар у “чегараси”да бе-

гонани кўриб қолса, ёқалаша-ёқалаша иккисидан бири ўлади.

Эҳтимол ҳозирги бўрилар ҳам чегарани бузмаслик учун жанг қилаётгандир. Ойдин кечада бир-бирлари билан жанг қилаётган бўриларнинг олишувини роса томоша қилдим-да, милтиқ нилини уларга тўриладим. Шу пайт кимдир елкамдан босиб “Эй, инсон, тўхта! Шу жониворлар бўлмаса бу томошани кўрмасдинг, улар ҳам табиат мўъжизаси. Қўй, увол қилма!” дегандек бўлди. Милтиқ тумшугини осмонга кўтариб, тепкини босдим. Ногоҳон тун жимлигини парчалаб, гумбураган овоздан ўтакиси ёрилаётган бўрилар гинг-шангансимон овоз чиқариб, жилга этаги томон ўқдек отилиб, зим-зим арчазор орасига кириб кетишди.

Милтиқ овозидан сакраб уйғонган ҳамроҳларим хавотир аралаш “Нима учун отдинг? Нима экан?” дейишди. Мен эса уларнинг дилига кўрқув солмаслик учун “Қўлим милтиқ тепкисига тегиб кетди” деб қўя қолдим.

Куз шамолида баданлари жунжиккан суратқашлар осмонга қараб ҳомуза тортар экан, “Эҳ-ҳа, ҳали тонг отишига анча вақт бор-ку” дея ухлашда давом этишди. Мен ҳам уларнинг ёнига чўзилдим.

Ёввойи хўроз

Ухлаганимни ҳам, ухламаганимни ҳам билмай қараётгандай, аллақердан хўрознинг қичқираётган бўғиқ овози эшитилгандек бўлди. Тушимни, ҳушимни?! Бу кимсасиз тоғу-тошлар-у арчазорлардан иборат маконда хўроз нима қилади, дея бошимни кўтариб қулоқ солдим.

Ҳа, юқори томонимиздаги оппоқ тонг ёғдусига чўмлаётган арчазорда хўроз қичқираяпти. Унинг овозидан ҳамроҳларим ҳам уйғонишди. Бу қандай ҳўроз бўлди?

— Келинлар, уни ушлай-миз, — деди улардан бири.

— Ҳа, ушлаймиз. Хойнаҳой уни чўпонлар ташлаб кетишган бўлса керак. Уни ҳозир ушламасак, тонг отиб қолгандан сўнг тутқич бермайди, — деди унга жавобан ҳамроҳларимиздан бошқаси.

Биз тўртовлон хўроз қичқираётган арчазор томон кетдик. У беўхшов овозда бот-бот қичқириб турган арчага яқинлашиб, тенага қарадик. Арча тепасида курқадан ҳам каттароқ, қип-қизил даканг хўроз турибди. У бизларни кўриши билан пар-парлаб иккинчи арчага учиб ўтди. Биз ердан туриб, ҳай-ҳайлаганимизча, уни кува кетдик.

Ёввойиладан даканг хўроз эса ерга тушмай арчадан-арчага учиб, кўниб кетаверарди. Охири арчалар сийраклашиб, ерга тушди. Чор атрофидан тошбўрон қилиб, кува кетдик. Ногоҳ бошига теккан тош уни ҳаракатдан тўхтатди, ушлаб олдик. Бундайроқ улоқнинг оғирлигига бор-ов. Бошида осилиб турган бир парча тожида қон қотиб қолган, тирналган. Эҳтимол ёввойи мушукми, далами, хуллас, қайси бир жонивор билан курашиб, омон қолгани кўриниб турарди...

Тўғона шоҳидани учрашув

“Хўроз ови”дан сўнг ҳамроҳларим кўлларига суратқашлик папкаларини олиб, ҳар томонга тарқалиб кетишди. Мен эса тўғримда кўришиб турган зов (жарлик — И.Н.) бошидаги тўғона томон юрдим. Улкан тўғона атрофидаги писта, заранг, бодом дарахтларининг япроқлари қизил, сариқ, оқимтир қирмизи ранг ва яна аллақандай тусларда товланиб, ерга оловранг гиламдай тўша-либ ётибди. Лекин биргина тўғонанинг япроқларида ҳали ўзгариш йўқ. Ям-яшил, бироқ нўхатдан кичикроқ келадиган меваси сап-сарик пишиб ётибди. Унинг ошқозон-ичак касалликларига фойдали экани ёдимга тушиб, пастки шоҳларига қўл узатдим. Бир-ик-

китасини оғзимга солдим. Ширин, қандақ жийданнинг ўзи!

Шоҳлари тарвақалаб кетган тўғонага ҳавас билан қараб томоша қилаётганим, кўзим унинг мезон илиб турган чўққи шоҳидани эчкеларга тушиб қолди. У шунчалик тез ҳаракат қилардики, тумшуги олдида осилиб турган тўғона мевасига тўйди, шекилли, турган ерида қимир этмай қўвшада товланиб тураверди. Шу вақт не кўз билан кўрайки, бир чипор илон тоғ кўшларининг баҳоргача хувиллаб турадиган, телпақдек инларининг биридан чиқиб, эчкелар турган шоҳ томон чўзила бошлади.

Буни кўрган эчкелар шашт билан оёқларини шоҳга тираб кўтарилибди, илонга қараб, оғзини очди. Очди-ю, “тақ” этган овоз чиқарди. Ё ризқ излаб, ё баданини мезон шамолига тоблаш учун дарахтга чиққан илон қора тилини дамба-дам қилганича, хотир-жамлик билан эчкеларга яқинлаша бошлади. Бундан жаҳли чиққан эчкелар яқин тезлигида бурила солиб, тумшугига келиб қолган илонга ташланди. Ташланди-ю, иккаласи ҳам бир-бирига қулгани, тўғона шоҳидан тушиб кетишди. Улар “шалп” этиб ерга келиб урилишлари билан илон хаслар орасига, эчкелар эса тошлар орасига кириб кетди...

Тоғ қизининг қалбларга ажиб шодлик жўштирувчи гўзаллигини томоша қилиб қайтар эканман, “Эй, азиз инсонлар! Она номи билан бир қаторда тилга олинувчи табиат ҳамиша бизнинг муқаддас бешгимиз бўлиб келган. Шундай экан, унинг чиройини, бебаҳо бойликларини, жонивор-у, паррандаларини, гиёҳлар-у арчазорларини асраб-авайлаб, қўлайтирайлик. Дахлсиз бўлган олтин бешгимизнинг бебаҳо мўъжизаларини келгуси авлодлар қўлига меҳр-у, оқибат билан кемтисиз топширайлик”, дея ҳайжиргим келди.

Исмаил НОРБОЕВ

